

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ТАДЖИБАЕВ САРДОР ГАНИШЕРОВИЧНИНГ**

**ПОРА ОЛИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

**5A240124 – Тергов фаолияти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

*Илмий раҳбар:* Академияси катта  
ўқитувчиси Ф.З.Мирзаев

Тошкент 2021

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. Пора олиш жинояти ва унинг криминалистик тавсифи.</b>	
1.1. Пора олиш жинояти ва уни содир этилишининг айрим масалалари .....	11
1.2. Пора олиш жинояти криминалистик тавсифининг ўзига хос хусусиятлари.....	22
<b>II БОБ. Пора олиш билан боғлиқ жиноят ишини қўзғатиш босқичининг ўзига хос хусусиятлари.</b>	
2.1. Пора олишга оид ариза ва хабарларни текшириш - терговга қадар текширув босқичи сифатида .....	34
2.2. Пора олиш билан боғлиқ жиноят ишини қўзғатишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар.....	48
<b>III БОБ. Пора олиш жиноятини тергов қилиш босқичида муайян ҳаракатларни ўтказиш масалалари.</b>	
3.1. Пора олиш жиноятини тергов қилишда алоҳида тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг хусусиятлари .....	58
3.2. Дастлабки тергов давомида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш масалалари .....	69
<b>Хулоса</b> .....	77
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	82
<b>Иловалар</b> .....	85

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI асрнинг бошларига келиб коррупция, унга қарши курашиш барча давлатлар учун умумий характер касб эта бошлади ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг 8-Конгресси қарорида таъкидланганидек глобал муаммога айланди. У турли шаклларда намоён бўлиб, давлат бошқарув органларининг барча тармоқларига сингиб боради ва энг хилма-хил ижтимоий муносабатларга таъсир қилади. Коррупция қонунлар ижросига катта тўсиқ бўлади ва давлатни ислоҳ қилишга йўл қўймайди.

Коррупция ҳар қандай шароитга мослашишда юқори хусусиятга эга. Унинг турлари мунтазам равишда ўзгариб ва такомиллашиб боради. Пинҳонийлик унинг асосий хусусиятидир. Шунинг учун бу ҳолат тўғрисида ҳеч қаерда тўлақонли маълумотлар йўқ<sup>1</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунки суд-ҳуқуқ ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширилиши тўғридан-тўғри коррупцияга қарши курашиш фаолиятига боғлиқ бўлади<sup>2</sup>.

Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” ташкилотининг маълумотларига кўра, айти дамда дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига 1 триллион доллардан ортиқ маблағ жиноий тарзда ўзлаштирилади<sup>3</sup>.

Коррупция характеридаги жиноятлар ичида классик шаклга эга бўлган “пора” олиш, бериш, олиш-беришда воситачилик қилиш

<sup>1</sup> Р.А.Зуфаров. Порахўрлик – коррупция негизи. Т.:ТДЮИ, Давлат ва ҳуқуқ. №4, 2000. Б-41

<sup>2</sup> Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно- 2 практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».-Ташкент: Chashma Print, ст.110-118

<sup>3</sup> Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O'quv qo'llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo'jaqulov; mas'ul muharrir I. Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2017. – 5 b.

“порахўрлик жиноятлари” тушунчаси билан бирлаштирилган бўлиб, у ички коррупциянинг марказий бўғинига айланган.

“Порахўрлик” бошқа аксарият жиноятлардан фарқли ўлароқ камида иккита жиноят субъекти (пора олувчи ва пора берувчи ёки пора берувчи ва воситачи)нинг албатта мавжудлигини назарда тутди. Бошқача айтганда, бу бир бутун жиноятда бир неча субъектларнинг жинойий фаолияти ягона жинойий мақсад билан бирлашади ва бир-бирини ўзаро тўлдиради.

Бу жиноятларнинг ҳар бири бошқасисиз мавжуд бўлмайди. Чунки “пора берувчи бўлмаса, пора олувчи бўлмайди” ва айнан шу тарзда “пора берилмаса – пора олинмайди”.

Пора олиш - коррупциявий жиноятлар ичида мансабдор шахсларнинг жинойий хатти-ҳаракатлари ичида энг хавфли “профессионал” саналган шаклларида биридир. Унинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, у бошқа оғир жиноятлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Анъанавий ва замонавий ҳисоб-китобларга кўра дунё миқёсида порахўрлик жиноятлари латентлиги юқори бўлган жиноятлар тоифасига киради. Россиялик олим А.М.Цириннинг фикрича, ҳозирги кунда содир этилаётган коррупцияга оид жиноятларнинг бор-йўғи 4-5 фоизи аниқланиб, тергов қилинса, бу борада ўтказилган ижтимоий сўровларда қатнашган фуқароларнинг 25 фоизи коррупцияни салбий ижтимоий ҳодиса деб ҳисобламас эканлар<sup>4</sup>. Профессор Қ.Р.Абдурасуловнинг фикрича, коррупция жиноятининг фақат 1-2 фоизи фош этилиб, қолган қисми латентлигича қолар экан. Мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция жиноятининг тузилиши қуйидагича: пора олиш (24,4 фоиз), мансаб сохтакорлиги (23, 1 фоиз), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (22,2 фоиз), ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш (21,7 фоиз), пора бериш (5,4 фоиз) ва бошқалар (3,5 фоиз)<sup>5</sup>. Унинг рўйхатга олинган жиноятлар умумий сонидаги улуши 1-2 фоизни ташкил

<sup>4</sup> А.М.Цирин. Современные стандарты и технологии противодействия коррупции // Журнал российского права – 2014. № 7. С 141-174

<sup>5</sup> Қ.Р.Абдурасулов. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олидини олиш. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. – Т., 2018 й. №4 (36). –Б.6.

этиб, аниқланган жиноятларнинг тўртдан бир қисмигина судгача етиб боради ва ҳақиқий пора олган мансабдор шахсларнинг 0,1-0,2 фоизигина жиноий жазоларни ўтамоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Прокуратура органлари томонидан 2020 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси билан малакаланган 105 та (2019 йилда 100 та) жиноят ишлари мазмунан кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича судларга юборилган. Шундан, 18 (2019 йилда 12) та ҳолатда Халқ таълими вазирлиги тизимида, 14 (2019 йилда 13) та ҳолатда Ички ишлар вазирлиги тизимида, 11 (2019 йилда 10) та ҳолатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида, 10 (2019 йилда 7) та ҳолатда Мактабгача таълим вазирлиги тизимида фаолият олиб борган мансабдор шахслар томонидан пора олиш жиноятлари содир этилган.

2019 йилда судлар томонидан Жиноят кодексининг 210-моддаси билан 191 нафар шахсга нисбатан 145 та иш (2018 йилда 202 нафар шахсга нисбатан 174 та иш), 211-моддаси билан 1 179 нафар шахсга нисбатан 995 та иш (2018 йилда 1 638 нафар шахсга нисбатан 1 279 та иш), 212-моддаси билан 17 нафар шахсга нисбатан 16 та иш (2018 йилда 23 нафар шахсга нисбатан 17 та иш) кўрилган.

Шулардан 2019 йилда Жиноят кодексининг 210-моддаси билан айбдор деб топилган 158 нафар шахснинг 82 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 61 нафарига озодликни чеклаш, 15 нафарига жарима жазолари тайинланган бўлса, 20 нафари шартли ҳукм қилиниб, 13 нафар шахс эса, оқланган.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Нарбаеванинг таъкидлашича, “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилотининг 2020 йил учун эълон қилинган коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон ўрни 7 поғонага яхшиланиб, 180 давлат орасида 146-ўринни эгаллаган бўлса-да, давлат раҳбарининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва

---

<sup>6</sup> <http://sud.uz/jazo-maqsadi>

индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сонли Фармонида тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичига (КРІ) ҳали эришилмаган. “Фармонда 25 баллдан 27 баллга кўтарилиш вазифаси қўйилган. Лекин бор-йўғи 1 баллга (26 балл) кўтарилиш қайд этилган холос”, - дейди Сенат раиси<sup>7</sup>.

Пора олиш жинояти фош этишда криминалистик методлар ва тезкор-қидирув фаолиятининг имкониятларидан кенг фойдаланиш бутун дунёда коррупцияга қарши курашишнинг вазифаларини амалга оширишда муҳим шартларидан бирига айланмоқда.

Сўнгги йилларда давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган пора олиш-беришга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматларига шаффофлик ва ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ҳамда “коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар ижросини амалда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли, 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6013-сонли Фармонлари қабул қилинган.

Хусусан, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда порахўрлик ҳамда у билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича

---

<sup>7</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/corruption/>

исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш жиноятни фош этишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири бўлган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган<sup>8</sup>.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таъкидлаш зарурки, ушбу мавзу юзасидан давлатимиз ва хорижий мамлакатлар юридик адабиётларида олиб борилган илмий изланишлар сони салмоқли бўлсада, айнан пора олиш жиноятига оид тергов фаолияти бўйича қилинган ишлар етарли эмас. Юридик адабиётларда ушбу соҳадаги дастлабки тергов жараёнидаги айрим камчиликлар ва уларни бартараф этишга оид масалалар Р.А.Зуфаров, Е.В.Коленко, В.Каримов, С.О.Ўразбаев, И.Р.Астанов, Б.З.Каримов, А.Т.Бердиев, М.М.Хайдаров, Т.Р.Кускаров каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур мавзу юзасидан чет мамлакатларда Р.В.Чупахин, А.Н.Халиков, Т.Б.Хачатурян, А.А.Черкесова, О.В.Губанова, М.В.Лямин, Н.А.Домашенко, С.А.Бабич, Т.В.Филатова, В.В.Крюков, Н.А.Домашенколар томонидан тадқиқот олиб борилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур. Бироқ, ушбу тадқиқот ишлари хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти нуқтаи назаридан амалга оширилганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур масалани илмий таҳлил қилиш муҳим

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мумкин. Айниқса, давлатимизда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги янада мустаҳкамланаётган ҳамда олий қадрият сифатида эъзозланаётган бир шароитда, ушбу муаммо янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқдаки, бу ўз навбатида мушоҳада юритишга ундайди.

**Тадқиқот объекти** прокуратура органлари томонидан пора олиш жинояти юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш ва тергов давомида юзага келадиган тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра пора олиш жинояти бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланганлиги сабабли, ушбу тадқиқот иши прокуратура фаолиятига дахлдор ҳисобланади. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда Россия, Белоруссия, Қозоғистон, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия каби давлатларнинг тадқиқотга оид ҳуқуқ нормалари ўрганилиб, таҳлил қилинди.

**Тадқиқот предмети** пора олиш жинояти бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ташкилий, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал имкониятларини илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг мақсади** пора олиш жинояти бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишни тизимли ташкил этиш ва юзага келадиган камчиликларни ёритиш орқали диссертациядан фойдаланувчиларнинг бундан хабардор бўлишини таъминлаш, уларни бартараф этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- пора олиш жинояти криминалистик тавсифи ва ушбу жиноятни содир этилиш сабабларини ўрганиш;



- тадқиқот мавзусига оид назарий-ҳуқуқий тушунчаларни такомиллаштириш;

- пора олишга оид ариза ва хабарларни текширишни ташкил этиш;

- пора олиш билан боғлиқ жиноят ишини қўзғатишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни ёритиш;

- тадқиқотга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

- пора олиш жиноятини тергов қилишда айрим тергов ҳаракатларини ўтказишни таҳлил қилиш;

- дастлабки тергов давомида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш масалаларини ёритиш;

- пора олиш жинояти бўйича дастлабки терговни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, ҳуқуқшунос олимлар томонидан пора олиш жинояти бўйича терговни ташкил этиш масаласи алоҳида тадқиқ этилмасдан, балки порахўрлик жиноятларининг бир тури сифатида ўрганилган. Пора олиш жиноят бўйича дастлабки терговни тизимли ташкил этиш ва тергов давомида юзага келадиган камчиликларни бартараф этиш масалалари магистрлик диссертацияси даражасида Р.А.Зуфаров томонидан 1994 йилда тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур тадқиқот ишида пора олиш жинояти бўйича уни фош этиш ва тергов қилишнинг долзарб масалалари таҳлил қилиниб, илмий-назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар пора олиш жиноятини тергов қилишда ўз самарасини беради.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи.** Тадқиқотни амалга оширишда унинг назарий қисмига оид маълумотларни ёритишда миллий ва хорижий адабиётлар, интернет сайтлари ҳамда турли ёзма адабиётлардан, амалий қисмида эса Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир амалий материаллардан,

хуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг қўшма кўрсатмалари, Бош прокурор буйруқларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотда қўлланилган методика.** Илгари сурилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий ва мантикий-юримдик усулларидан фойдаланилган. Бу усулларнинг жами муайян даражада диссертация тадқиқот натижаларини тўлиқ англаш имконини беради. Тадқиқотнинг амалий қисмида қўлланилган асосий методика – бу қиёсий-ҳуқуқий метод бўлиб, юримдик фанлар доктори З.М.Исломовнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида ёки ўтмишнинг турли даврларида мавжуд бўлган билишнинг ўхшаш объектларини таққосламай туриб, ҳуқуқ амалиётини ислоҳ қилиб ёки такомиллаштириб бўлмайди<sup>9</sup>.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Тадқиқот натижалари “Жиноят ҳуқуқи” ва “Жиноят процесси” фанларидан маъруза ва семинар машғулотлари олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги унинг назарий аҳамиятидан далолат берса, тадқиқот ишида баён этилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексларини такомиллаштириш, пора олиш бўйича дастлабки терговни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги унинг амалий аҳамиятини намоён этади.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация унда таҳлил қилинган муаммоларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, кириш, олти параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва диссертацияда баён этилган таклифларга асос бўлувчи иловалардан иборат.

---

<sup>9</sup> З.М.Исломов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Т.: Адолат, 2007 йил. 27-бет.

# **I БОБ. ПОРА ОЛИШ ЖИНОЯТИ ВА УНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ.**

## **1.1. Пора олиш жинояти ва уни содир этилишининг айрим масалалари**

Порахўрлик–бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансаб жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган атама. Санаб ўтилган ҳар бир тажовуз ЖК 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Улар бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд эмаслиги пора бериш фактини ҳам истисно этади.

Пора олиш жинояти ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг халқ олдидаги обрўсига путур етказадиган, таъсир кучига шубҳа уйғотадиган, иқтисодиётни ривожига кескин тўсиқ бўладиган ва рақобат муҳитини синдирадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган хавфли жиноий ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади.

Пора олиш жинояти тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича таърифланади. Жумладан, Н.Д.Дурманов, Н.Г.Кучерявий, Ш.Г.Папашвили, А.Б.Сахаров ва бошқалар пора олиш бу иккита мажбурий жиноятдан иборат элементлар (ҳаракат) – пора олиш ва бериш алоҳида мустақил жиноят таркибини ташкил этмасдан, балки бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ажралмас жиноятлардир деб таърифлаган<sup>10</sup>.

Яна бошқа бир гуруҳ олимлар, Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Кириченко, В.Е.Мельникова, Н.А.Стручков, М.Д.Шаргородский ва бошқалар эса пора

---

<sup>10</sup> Дурманов Н. Уголовная ответственность за взяточничество по действующему советскому законодательству.//Проблемы соц. права. Сборник II М., 1937. - С. 23. Кучерявий Н.П. Ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. М., 1957. - С. 41 - 42. Папашвили Ш.Г. Должностные преступления в теории уголовного права, законодательстве и судебной практике. - Тбилиси, 1988 г. - С. 176 - 179.

олиш, бериш ва воситачилик қилиш бир-биридан алоҳида жиноятлар деб таърифлашган<sup>11</sup>.

А.А.Жижиленко, Ю.И.Ляпунов, А.Н.Траинин, А.Я.Светлов ва бошқалар эса пора олишни пора беришга шерикликнинг алоҳида ҳолати деб ҳисоблаб, муҳимлиги ва зарурияти туфайли қонун чиқарувчи томонидан алоҳида жиноят таркибига ажратилган<sup>12</sup>.

Порахўрлик бўйича илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Р.А.Зуфаров “пора олиш – мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатни кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига, ёхуд ўз мансаб мавқеига кўра бундай ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) кўмаклашганлиги, шунингдек, умумий ҳомийлик ёки бепарволик қилганлиги учун шахсан ёки воситачи орқали, қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий наф кўриши<sup>13</sup>” деб таъриф берган.

Хорижий давлатлар жиноят кодексларида пора олиш жиноятига турлича таърифлар берилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Хусусан, Россия Жиноят кодекси 290-моддасида пора олиш – мансабдор шахс, хорижий мансабдор шахс ёки халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси шахсан ёки воситачи орқали пул, қимматли қоғоз, бошқа мол-мулк ёки мол-мулк кўринишидаги хизматлар кўрсатиш, мулкий ҳуқуқларни бериш кўринишидаги порани пора берган шахс ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни бажариши, агар унинг ўз хизмат вазифасига кирса ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни амалга ошириш бўйича мансаб мавқеига эга бўлса, шунингдек, хизматдаги умумий ҳомийлик ва келишув деб таърифланган.

---

<sup>11</sup> Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взятничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г., - С. 184.

<sup>12</sup> Жижиленко А.А. Должностные (служебные) преступления (Глава III Уголовного кодекса). - М., 1927 - С. 82, Траинин А.Н. Уголовное право. Особенная часть. - М., 1943. - С. 290.

<sup>13</sup> Р.А.Зуфаров. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: назария ва амалиёт. Диссертация. Т.: 2005. Б-18.

Белоруссия Жиноят кодексининг 430-моддасида мансабдор шахснинг ўзи ёки яқин қариндошлари учун моддий неъматларни ёки лавозими билан боғлиқ бўлган имтиёзларни олиши, ҳомийлик ёки хизматдаги келишув, унинг ваколатига қирадиган масалаларни ижобий ҳал қилиш ёки пора берувчи ёхуд унинг вакили бўлган шахсларнинг манфаатлари учун ўзининг мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши керак бўлган ёхуд бажариши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар – пора олиш деб тушунилиши белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 366-моддасида давлат вазифаларини бажараётган шахс ёки унга тенглаштирилган шахс, ёхуд масъул давлат лавозимини эгаллаган шахс, шунингдек чет давлат ёки халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси шахсан ўзи ёки воситачи орқали пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк шаклидаги порани пора берувчи ёки унинг вакили бўлган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ўзининг хизмат ваколатларига қирадиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бажариши, шунингдек умумий ҳомийлик ва келишувга эришиши пора олиш жинояти таркибини ташкил этиши белгиланган.

Юридик энциклопедияда “пора олиш - мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши” деб таъриф берилган<sup>14</sup>.

Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми диспозицияси тасвирловчи диспозиция бўлиб, унда пора олиш жиноятининг тавсифи берилган. Унга кўра, пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян

---

<sup>14</sup> Юридик энциклопедия . – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 368.;

харакатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлишидир.

Ушбу берилган таърифдан келиб чиқиб, пора олиш жинояти тушунчасини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- давлат органи – давлат ўз вазифаларини амалга ошириш ваколатини берган фуқаро ёки фуқаролар жамоаси. Давлат органига давлат-ҳокимияти ваколатлари берилади, у белгиланган тартибда тузилади ва фаолият кўрсатади, давлат органларининг ягона тизимида ўз ўрнини эгаллайди<sup>15</sup> деб таъриф берилган;

- давлат иштирокидаги ташкилот — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган ноижорат ташкилоти <sup>16</sup>деб Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорига 1-илоvasи “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий Низомда таъриф берилган;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади <sup>17</sup>деб 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг

---

15 Конституциявий ҳуқук. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. - 584 бет.

16 Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорига 1-илоvasи “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий Низом, Умумий қоидалар.

<sup>17</sup> 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎРҚ—350-сонли Қонуни, 8-модда.

Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида таъриф берилган;

- мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс<sup>18</sup>;

- хизмат мавқеидан фойдаланиш – кенг маънода, шахснинг ўз хизмат вазифасига кирувчи ваколатлари, мажбуриятларини бузишда ифодаланади<sup>19</sup>. Шунингдек, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мақеидан фойдаланиш деганда, нафақат мансабдор шахс ваколатига кирадиган ҳаракатларни содир этиш, балки пора берувчи манфаатларида бошқа мансабдор шахсларга таъсир этиш орқали уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда муайян ҳаракатлар содир этиш ҳам тушунилади<sup>20</sup> деб таъриф берилган;

- қонунга хилоф фаолиятни у ёки бу ташкилот доирасида хизмат фаолиятини амалга ошириш доирасида тўғридан-тўғри тақиқланган ёки номақбул деб белгиланган қилмишлар ташкил этади<sup>21</sup>.

Мазкур жиноятда порани қонунга хилоф эканлигини билгани ҳолда мансабдор шахс ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни бажарганлиги ёхуд бажармаганлиги учун олади. Жиноятни квалификация қилишда мансабдор шахснинг моддий қимматликларни қачон олгани, яъни – пора бераётган шахс

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлими, Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. V том. Махсус қисм. М.Х.Рустамбаев

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. IV том. Махсус қисм. М.Х.Рустамбаев

<sup>21</sup> Порахўрлик жиноятлари тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, жиноятларни фош этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш. Амалий қўлланма. И.Астанов. 2016 йил

манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатни содир этишидан олдин ёки кейин олганлиги аҳамиятга эга эмас.

Мазкур жиноятда субъект давлат органида, давлат иштирокидаги ташкилотда, яъни устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ҳамда тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилотида, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида мансабдор шахс лавозимида ишловчи ходим ҳисобланади<sup>22</sup>.

Хўш, нима учун мансабдор шахслар пора олади?

Россиялик психотерапевт, психологи, доцент, психология фанлари номзоди Рамиль Гарифуллин бунда порахўрнинг шахсини ҳам ҳисобга олиш ва илмий-психологик концепцияга таяниш керак эканлигини айтади. Р.Р.Гарифуллин ўтказган илмий тадқиқот натижаларига кўра, пора олувчи шахслар орасида психологик қарам шахслар – “пораманлар”нинг борлигига аҳамият бериш керак бўлади. Улар кимлар? Наркомания, алкоголизм, клептомания, порамания каби деструктив патологик қарамликлардагидек “пораманлар” шахсини даволашга, коррекция қилишга аҳамият бериш лозим.

Мия структурасига қарамликка жавоб берадиган тузилмалар киради. Аммо локал қарамлик марказлари мавжуд эмас. Қарамлик дунёси жуда кенг. Порамания бошқа қарамликлардаги каби ҳамма босқичлардан иборат. Пораманияда психологик қарамлик кучли бўлиб, у пора олмай кўйса, депрессив синдром устунлик қилган абстинет синдроми (халқ тилида “ломка”) юзага келади. Навбатдаги “дозани” қўлга киритганда эса, эйфория кузатилади худди наркоманлардаги каби.

Р.Р.Гарифуллин ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, пораманиянинг 4 та босқичи ажратилар экан:

---

<sup>22</sup> Порахўрлик жиноятлари тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, жиноятларни фош этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш. Амалий қўлланма. И.Астанов. 2016 йил



**1-босқич:** умрида бир марта пора олиш ва буни бошқа такрорламаслик, хатто унутиб юбориш. Бу босқич кўпчиликни бошидан ўтган бўлади, бу ишларнинг ёқимсиз белгиларини сезганлар шу босқичдан бошқа босқичларга ўтишмайди;

**2-босқич:** 1-босқичдан бемалол ёқимсиз ҳолатга тушмаганлар кейинги босқичда пораманларга айланишади. Порахўр кейинги пора олиш ҳақидаги образларни хаёлида айлантиради, пора олиш жараёнини кўмсайди, яъни обсессив фикрлар пайдо бўлади. Энди унга маслаҳатлар қилмайди. Омадим чопган дея, кейинги дозани олишга интилаверади ва бунинг учун ўлжасини актив равишда излайди;

**3-босқич:** пора олмаса, аҳволининг ёмонлашиши, яъни депрессив синдром белгилари (эрталабдан ёмон кайфият, уйқу бузилиши, қадриятларнинг ўзгариб кетиши, авваллари хурсанд бўладиган сабаблардан лаззат ола олмаслик) намоён бўла бошлайди. Приоритетда фақат сохта қадрият сифатида пора олиш допинги қолади. Бу босқичда турғун даврийлик юзага келиб, пора берадиган ўлжаларни қидириш ва самарадор коррупцион схемалар ишлаб чиқилади;

**4-босқич:** доимий пора оқимида яшаб, реалликдан ажралиб қолади. Порасиз ҳаётни тасаввур эта олмайди, аммо олаётган пора микдори ошиб бораверса-да, аввалгидек эйфорияни топа олмайди. Хурсанд бўлиш мақсадида, аввалги хуморни топиш мақсадида дозани ошириб бораверади. Аммо энди порасиз яшай олмайди. Афсуски бундай одам фақатгина камоқққа тушибгина, порадан воз кечиши мумкин<sup>23</sup>.

Р.Р.Гарифуллин *“Порахўрликни психологик коррекция қилиш психолого-профилактик курси”* дастурини яратиш, корхона ва ташкилотлар раҳбарларини ва шунинг билан бирга коррупцияни олдини олишни истаганларни ушбу курс орқали ўқитишни ташкил этган ва доимий равишда ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг ҳуқуқий онгини

---

<sup>23</sup> <https://telegra.ph/PORAMANIYA-YOHUD-PORAHŪRLIK-MUAMMOSINI-BARTARAF-EHTISHGA-PSIHOTERAPEVTIK-YONDASHUV-04-21>

юксалтириш ва порахўрликка қарши мурасасиз курашишга чорлаб келмоқда.

Жамиятимизда эса халқ орасида туғруқхонада шифокорнинг қўлига “суюнчи” бериш, автомашинани салондан чиқишини тезлаштириб бериш эвазига “шапка” бериш, ишга жойлашиш учун пул бериш, жарима ёзмаслик ёки жаримани камайтириш эвазига ЙХХБ ходимига пул бериш ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар кенг авж олган. Халқ назарида “пора олиш” деганда қора курсида галстук тақиб ўтирган, бир қўли билан пул солинган конвертни олаётган ва бир қўли билан қоғозга имзо чекаётган амалдор кўз ўнгига келади.

Жиноий-ҳуқуқий маънода “порахўрлик”ка қарши курашиш энг аввало, унинг бир кўриниши бўлган “пора олиш” жиноятини очиш, тергов қилиш ва унинг олдини олишдан иборат. Пора олиш кенг оммалашган, лекин очиш ва тергов қилиш мураккаб бўлган жиноят тури ҳисобланади. Порахўрликда жиноят субъектларининг одатий алоқа схемаси қуйидагича: пора берувчи – пора олувчи, баъзан эса пора берувчи – воситачи – пора олувчидан иборат. Ушбу жиноятни ниқоблашнинг турли усуллари бор: “совға қилиш”, “қарз бериш”, корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш ва бошқалар. Унинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, унинг барча иштирокчилари – пора олувчи ва пора берувчи ўзининг жиноий ҳаракати изларини яширишдан манфаатдор, чунки жиноят фош этилса, пора олиш ва пора беришга ҳам жавобгарлик муқаррар. Шунинг учун мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда гувоҳларсиз ва жиноят излари ниқобланган ҳолда содир этилади.

Иккинчидан, кўп ҳолларда пора қонуний ҳаракатларни тезлаштириш учун олинади ёки ташқаридан унга қонуний ҳаракат туси берилади. Гувоҳлар бўлмаганда, бу шароит ҳам пора олиш жиноятини очиш масаласини мушкуллаштиради.

Учинчидан, пора олиш жиноятини очиш ва тергов қилишда эгри далиллар устунлик қилади. Уларнинг тадқиқ этилаётган ҳодиса ва воқеалар билан турли алоқалари кўп босқичли исботлаш жараёнини талаб этади.

Баъзи ҳолларда вазиятга қараб, жиноятга алоқадор шахсларнинг бармоқ излари пора предметида ўрамда қолади, баъзан эса пора олишнинг бошқа излари ҳам сақланиб қолади (товар чеклари, этикеткалар, пул, қимматбаҳо нарсалар, шахсий ёзувлар ва бошқалар). Ушбу криминалистик излар жиноятни очишни тезлаштирувчи омиллардир.<sup>24</sup>

Мансабдор шахсни пора олганликда айблаш учун пора предмети аниқлаш ва топиш муҳим саналади. Пора – порахўрлик жиноятининг предмети ўзида акс эттирган тушунчадир. Яъни, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига мансабдор шахсга бериладиган моддий қимматликлар ёки бошқа мулкӣ манфаатларни ўзида акс эттирган предмет пора ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига кўра, пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкӣ моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд-тергов амалиёти шуни кўрсатадики, пора предмети сифатида кўпинча нақд пул, турли қимматбаҳо буюмлар ва нарсалар, саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва паррандалар берилади. Баъзан, пора квартира, савдо дўкони ёки бошқа нотураар жой

---

<sup>24</sup> М.Қурбонов, Б.Ҳамидов, О.Ғаниев, Б.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услуги. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020. -110 б. 10-бет.

билан таъминлаш ёхуд бозор нархларидан жудаям паст нархларда сотиш, қарз бериш, илгари берилган қарзнинг тўлов муддатини узайтириш, бирор ишни текинга бажариш (масалан, уйни ремонт қилиб бериш, кийим тикиб бериш ва ҳаказо) шаклда ҳам учрайди.

Пора - мулкый манфаат хусусиятига ёки муайян қийматга эга бўлиши, яъни иккинчи томон (хизматчи) ундан қандайдир мулкый ёки бошқача манфаат кўриши лозим. Агар хизматчи бирор мулкый ёки бошқача наф кўрмаса, унинг қилмишини порахўрлик билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Пора олиш жинояти предмети нафақат моддий, балки номоддий хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, ЖКнинг 210-моддасида мансабдор шахс фақатгина моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый манфаатдор бўлиши учунгина жавобгарлик белгиланган. Бунда пора предмети бўлиши мумкин бўлган номоддий қимматликлар ва номулкый кўринишдаги манфаатдор бўлиш мумкин бўлган ҳолатлар қонуннинг таъсири доирасидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-бобида номоддий неъматлар тоифасига қуйидагилар киритилган:

- интеллектуал фаолият натижалари - фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.;
- хизмат ва тижорат сири - учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот<sup>25</sup>;
- шахсий номулкый ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар - шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкый ҳуқуқлар;

---

<sup>25</sup> “Тижорат сири тўғрисида” ЎРҚ-374- сон. 11.09.2014 йил.

➤ шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш киритилган.

Ушбу қайд этилган номоддий қимматликлар ва номулкий кўринишдаги манфаатдорлик бўлиш ҳолатларини киритиш бўйича қонунчиликка таклиф бериш мақсадга мувофиқ бўлади

Бундан ташқари, юқорида МДХ давлатларининг жиноят қонунчилигида пора олиш нафақат пора берган шахснинг, балки пора берган шахс вакили ёхуд у маълум қилган бошқа шахсларнинг манфаатлари учун муайян ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Шу сабабли, миллий қонунчилигимизда ҳам бошқа учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракат учун жавобгарликни белгилаш мақсад мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар қонунчилигида пора олиш жинояти нафақат ҳаракат билан, балки ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши ҳам мумкинлиги қайд этилган. Ушбу ҳолатни ҳам жиноят қонуни таъсир доираси билан қамраб олиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми диспозициясини “Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ёхуд ҳокимият вакили, чет эл мансабдор шахси ёки **оммавий халқаро ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган ёки учинчи шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый ёки номулкий манфаатдор бўлиши” деб тўлдириш таклиф қилинади.**

## **1.2. Пора олиш жинояти криминалистик тавсифининг ўзига хос хусусиятлари.**

Ҳар бир жиноят бошқаларидан фарқ қилгани ҳолда ўзининг содир этиш усули, шарт-шароити, вақти, жойи, субъектлари, мотив ва мақсади каби индивидуал хусусиятларига эга. Айнан ушбу хусусиятлар жиноятнинг криминалистик характеристикаси ҳисобланади.

Пора олиш жиноятини содир қилиш усулининг хусусиятларини кўриб чиқишдан аввал “жиноят содир қилиш усули” тушунчасини таҳлил қилиб ўтамиз. Криминалистикада бу тушунчани аниқлашда бир неча ёндашувлар мавжуд. 1970 йилда Г.Г.Зуйков жиноят содир қилиш усулини «... бир бирига боғлиқ жиноятни тайёрлашга, содир қилишга ва яширишга йўналтирилган, тегишли қуроллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда бажарилган, шунингдек, вақт, жойи ва бошқа жиноят қилишга ҳамроҳ бўладиган бошқа ҳолатлар ҳаракатлар тизими»<sup>26</sup> деб таърифлаган. Бунда олим жиноят содир қилиш усулларини белгилайдиган 2 гуруҳ факторларни ажратиб берди: ташқи ва ички. Ташқи факторлар қаторига у жиноий тажовуз предмети ва жиноят объекти хусусиятларини, жиноят содир қилинаётган ташқи муҳит объектив шароитларини, жиноят ва жиноий тажовуз предмети ўртасидаги объектив алоқанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини киритади. Жиноят содир қилишнинг ички факторларига Г.Г.Зуйков жиноят содир қилиш сабаби ва мақсади, жиноят субъектининг шахсий сифатлари, унинг билимлари, кўникмалари, маҳорати, одатлари, характерловчи кўриниши, шунингдек соматик хусусиятларини киритган. Олимларнинг ҳозирги замондаги “жиноят содир қилиш усули” тушунчаси тўғрисида фикрлашларини 2 гуруҳга бирлаштириш мумкин. Масалан, бир гуруҳ олимлар, И.Ф.Пантелеев, Н.П.Яблоков жиноят содир қилиш усулини жиноятнинг криминалистик характеристикаси элементи деб қарайди<sup>27</sup>.

<sup>26</sup>Г.Г.Зуйков. Установление способа совершения преступления при помощи криминалистических экспертиз и исследований/Г.Г. Зуйков.-М., 1970.-с. 15-16.

<sup>27</sup>Криминалистика: учебник / под ред. И.Ф.Пантелеева, Н.А.Селиванова. - М.: Юрид. лит., 1988 - с. 460-463; Криминалистика: учебник / отв. ред. Н.П. Яблоков. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристь, 2005. - с. 20-24.

Бошқа олимлар, С.В.Землюков, В.Е.Корноухов, жиноят содир қилиш усулини жиноий фаолиятга хос элементи сифатида кўради ва унинг мазмунини жиноят содир қилишнинг механизми билан ўзаро алоқаси орқали очиб беради<sup>28</sup>. Жиноят содир қилиш усули В.Е.Корноухов томонидан “жиноятчиларни аниқлаш, жиноят изларини топиш ва аниқлаш мақсадида ишлатиладиган ҳаракатлар, усуллар ва операцияларнинг ўзгарувчан ҳаракатлар тизими»<sup>29</sup> деб белгиланган.

С.В.Землюковнинг айтишича жиноят содир қилиш усули, жиноят содир қилиш механизмида мақсад ва жиноий натижа ўртасида асосий ўринни эгаллаб, фақатгина унга хос бўлган изларни қолдиради ва жиноят бўйича жиноят субъекти белгилари тўғрисида тўлиқ ахборотни бериши мумкин<sup>30</sup>.

Умуман, бу икки позициялар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ, чунки бирлари статик жиҳатни мустаҳкамлаб уни таркибий элементи сифатида криминалистик характеристикага киритса, бошқалари эса усулни жиноят содир қилиш механизмининг умумлаштирилган тушунчалар қаторига киритиб, жиноят содир қилишнинг динамик томонини таҳлил қиладилар.

Пора олиш кўпгина ҳолларда давлат ёки жамоат мулкини талон-торож қилиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятлар билан боғлиқ. Пора олишнинг криминал тавсифи жиноят содир этишнинг кўйидаги типик ҳолатлари билан боғлиқ: а)пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ порахўрлик; б) пора берувчининг манфаатларини кўзловчи қонуний ҳаракатлар билан боғлиқ порахўрлик, масалан: уй-жой ёки бирор маблағ олишни тезлаштириш мақсадида; в) воситачиларсиз пора бериш ва олиш; г) воситачилар ёрдамида пора бериш ва олиш; д) тамагирлик йўли билан пора олиш; е) тамагирликсиз пора олиш<sup>31</sup>.

<sup>5</sup> Қаранг.: Яблоков, Н.П. Поел. указ. соч. С. 24.

<sup>29</sup> Қаранг.: Корноухов, В.Е. Поел. указ. соч. С. 174.

<sup>30</sup> Қаранг.: Курс криминалистики. Общая часть / отв. ред. В.Е. Корноухов. - М.: Юристъ, 2000. - с. 55.

<sup>31</sup> “Криминалистика”. Дарслик. Ф.А.Абдумажидов умумий таҳрири остида. 2003 йил.

Қайд этиш лозимки, давлат хизматчисининг алоҳида ўзига хос фаолият, яъни давлат ва жамият ҳаётидаги ўта муҳим фаолият – давлат хизматини амалга оширишларини инобатга олиб, қолаверса уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб ҳамда ўз хизмат вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига эришиш мақсадида муайян чеклашлар ўрнатилади. Бундай чеклашлар давлат хизматчисининг хизмат фаолиятида ва кундалик хулқ-атворида рухсат этилган хатти-ҳаракатлар доирасини белгилайдиган таъқиқ кўринишидаги турли хил (сиёсий, иқтисодий, ташкилий-бошқарув) омиллар мажмуидан иборатдир.

Жумладан, давлат хизматчиларига ўз хизмат ваколати доирасида чет эллик давлат органларидан, фуқаролар ва юридик шахслардан турли кўринишдаги ҳақ олиши, давлат органининг обрў-эътиборига раҳна солиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этиши, шунингдек ўз хизмат ҳуқуқидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиши тақиқланади.

Бундай тақиқни бузган ҳолда, жумладан, мансабдор шахснинг бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳақ эвазига муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга ошириши, фуқароларнинг бундай муносабатда мансабдор шахсларга пора бериши пора олиш жинояти таркибини вужудга келтиради.

Ўз навбатида бундай қилмиш, давлат хизматчиси томонидан конституциявий принципларнинг бузилишига олиб келади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида мазкур қонуннинг асосий принциплари баён этилган бўлиб, унинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари белгилаб қўйилган.

Пора олиш жиноятини содир этганлик учун 18 ёшга тўлган, ақли расо ва маълум бир лавозимни эгаллаб турган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади. Мансабдор шахс тушунчаси анча баҳсли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII



бўлимида мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс эканлиги белгиланган,

Юридик адабиётларда мансабдор шахснинг жамоага умумий раҳбарлик қилиши деб тушуниш сингиб кетган. Ташкилий мажбуриятларни амалга ошириш – бу жамоат ишлаб чиқаришида алоҳида жамоалар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ҳаракатлардир.

Халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахснинг мазкур тоифаси ЖКга Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ киритилди. ЖКда олдинги нормада мансабдор шахснинг бундай тоифаси ажратилмаган эди. ЖКга мазкур ўзгартириш халқаро ҳужжатлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш натижасида киритилди.

БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциясининг 2-моддасида “хорижий оммавий мансабдор шахс” ҳамда “оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси” атамалари қўлланилган. Унга кўра, “хорижий оммавий мансабдор шахс” деганда,

хорижий давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинланадиган ёки сайланадиган шахс ва хорижий давлат учун, шу жумладан оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажарадиган шахс кўзда тутилади.

“Оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси” деганда, халқаро ташкилот хизматчиси ёки бундай ташкилот томонидан унинг номидан иш юритиш ваколати берилган ҳар қандай шахс назарда тутилади.

Мансабдор шахс лавозимига тайинланиши ёки сайланиши, шунингдек, бундай ваколат доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўлиши мумкин. Шахсни мансабдор деб топиш учун унинг зиммасига юкланган ваколатларини ижро этишдаги вақт оралиқлари, яъни у мансабни доимо ёки вақтинча эгаллаши аҳамиятга эга эмас.

Хозирги пайтда фуқаро жамоат комиссияси аъзоси бўлганда, судда халқ маслаҳатчиси ва шу каби вазифаларни бажарганда мансабдор шахс вазифаларини вақтинча ижро этиш ҳисобланади.

Айрим криминалистик адабиётларда пора олувчи шахс учун куйидаги мотивлар устунлик қилиши кўрсатиб ўтилган:

- шахсий бойлик орттиришда афзалликлар (имтиёзлар)га эга бўлиш (шахсий даромадни ошириш);
- хизматдаги саъй-ҳаракатлари ўрнини “қоплаш” ёки бунинг учун тўлов ундириш;
- шахсий муаммолар ёки қарзни қайтариш;
- учинчи шахслар (эр-хотинлар, яқин қариндошлар) учун моддий афзалликларни яратиш;
- мансабга боғланиб қолиш, хизмат ўсишларини тўхтатиб қолинишини олдини олиш;
- ишчилар билан муносабатларни совуқлашиши;
- устамаларни мустақил белгилаш хисси;

- қўшимча даромад учун орзуси;
- ортиқча хизмат талаблари;
- ортиқча эҳтиёжлар;
- нуфуз мотивлари ва бошқалар<sup>32</sup>.

Жиноятнинг криминалистик тавсифининг яна бир элементи бу жиноятни содир этиш механизмини татқиқ этишдир. Пора олиш жиноятининг механизми деганда жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва яшириш билан боғлиқ жиноятчининг специифк ҳаракатлари мажмуи тушунилади.

Пора олувчи жиноятга тайёргарлик кўришни қонун ҳужжатларидаги лазейкалар, виктимиологик ҳусусиятлар ва назорат қилувчи органлар ва улардаги муҳитни ўрганишдан бошлайди. Буни қуйидаги алгоритм орқали кузатиш мумкин:

- пора берувчи шахсларни қидириш;
- шахсан ёки воситачилар орқали пора берувчи билан порани олиш шарт-шароитлари бўйича музокаралар олиб бориш;
- пора олиш учун товламачилик қилиш ҳаракатлари;
- порани пора берувчидан тўғридан-тўғри ёки воситачи орқали ёхуд бошқа яширин усулларда қабул қилиш;
- жиноятни яшириш ҳаракатлари;
- порахўрнинг фойдасига расмий ёки ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш кузатилади<sup>33</sup>.

Пора олиш орқали жиноят қонунчилиги билан муохофаза этиладиган ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига зарар етади. Пул, валюта, қимматбаҳо қоғозлар, автомобиллар ва бошқа ҳар қандай мол-мулк, озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, антиқа буюмлар ва ҳоказо, яъни моддий қийматга эга бўлган ҳар қандай нарсалар

<sup>32</sup> М.Қурбонов, Б.Ҳамидов, О.Ғаниев, Б.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020. -110 б. 27-бет.

<sup>33</sup> М.Қурбонов, Б.Ҳамидов, О.Ғаниев, Б.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020. -110 б. 28-бет.

ёхуд мулкый хусусиятдаги наф кўриш (санаторийга йўлланма, бирон-бир пулли хизматни кўрсатиш кабилар) поранинг предмети бўлиши мумкин.

Пора олиш жиноятининг латентлигини ошираётган ҳамда ушбу жиноятнинг фош этилишини мураккаблаштираётган яна бир жиҳати, бу мансабдор шахсга бериладиган совғани пора предмети деб ҳисоблаш юзасидан муаммоли ҳолат мавжуд. Яъни давлат хизматчисига берилган совға порами ёки пора эмасми, агар пора бўлса, қандай турдаги совғаларни пора деб ҳисоблаш шартлари қонунчиликда белгиланмаган.

Маълумки, совға – кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб бериладиган нарса, ҳадя, тухфа. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда совға бериш, унинг ҳуқуқий жиҳатлари тартибга солинмаган.

Давлат хизматчилари, мансабдор шахсларга совға беришни қонун орқали чеклаш, уни жиноят сифатида баҳолаш уларнинг инсон сифатидаги шахсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига дахл қилинган бўлиб қолади. Аммо, шундай шахслар доираси борки, уларга (муайян миқдордан ошиқ ҳолатда) совға бериш, гарчи у совға сифатида берилган бўлса ҳам, бу совға шакли берилган пора предмети бўлади.

Хорижий давларлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия қонунчилигида “пора” ва “совға”нинг бир-биридан фарқларига қонуний йўл билан ечим қилинган. Жумладан, 05.07.1995 йилдаги “Россия Федерациясининг давлат хизматчилари тўғрисида” ги Қонунининг 11-моддасида совға деганда - энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан ошмайдиган, очик-шаффоф ва расмий равишда раҳбариятни хабардор қилган ҳолда бериладиган моддий ва номоддий қимматликлар тушунилган.

Бироқ амалда бу қоида ўзини оқламасдан, порахўрликни камайтирмаганлиги сабабли 27.07.2004 йилда ушбу қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, давлат хизматчиларига ҳар қандай совға ва бошқа қимматликларни олиш таъқиқланган.

Бундан кўринадики, пора олиш жиноятини тергов қилишда гумонланувчи ва айбланувчиларга пора предметини “совға” ёки бошқача кўринишдаги “тухфа” деган “баҳоналар” билан ўзларини оқлашга имкон қолдирилмаган. Бу орқали жиноятни тергов қилишда келиб чиқиши мумкин бўлган лазейкаларнинг олди олинган.

Чет эл адабиётларида пора олишни уч турга бўлишади. Америкалик олим В.Рейсман:

1. хизмат билан боғлиқ – ўз ишларини битириб олиш учун давлат хизматчиларига солиқ тўлаш. Тўлов ва бошқалар;

2. тўхтатиб турадиган – ўз иши юзасидан қўлланиши лозим бўлган нормани тўхтатиб туриш ёки уни қўлламаслик учун мансабдор шахсга пул бериш;

3. очикдан-очик пора бериб сотиб олиш - ўз мансабида қолиш ёки юқори мансабга кўтарилиш учун бошқа мансабдор шахсга пора беришда”<sup>34</sup> ифодаланади.

Пора предметлари ҳам уч турга бўлинади:

1. пул ва қимматбаҳо қоғозлар (сўм ёки чет эл валютаси);

2. моддий қийматга эга бўлган буюмлар. Валюта қимматликлари ва қимматбаҳо тошларни, металлларни олишда ёки беришда бу предметлар поранинг воситаси сифатида хизмат қилади. Бу буюмларга ноқонуний эгалик қилиш ва уларни топшириш қоидаларини бузиш Жиноят кодексининг 185-моддаси билан квалификация қилинади. Юридик адабиётларда ва суд-тергов амалиётида сохта диплом, меҳнат дафтарчаси ва гувоҳномаларни поранинг предмети сифатида ҳисоблаш юзасидан келишгани йўқ. “Б.В.Здравомўслов буни мансабдор шахсга бериладиган поранинг предмети сифатида ҳисоблайди, чунки бу предметлар шахсга бирон-бир мансабни эгаллаш, баландроқ ойлик олиш имконини беради.

---

<sup>34</sup> Т.Н. Воулина, И.Я. Козаченко. Уголовное право: особенная часть. М., 1998 й, 607-бет.

А.Аллахонов эса, буни мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб ҳисоблайди”<sup>35</sup>;

3. мулк шаклидаги хизматлар кўрсатиш. Масалан, саёҳат йўлланмасини олиб бериш, квартирани ремонт қилиб бериш, уй қуриб бериш қарзларини ҳисобдан ўчириб ташлаш ва бошқалар. “Суд-тергов амалиётида кўп йиллар давомида бирор-бир ҳаракатни содир этгани учун жинсий алоқада бўлишни поранинг предметига киритмадилар. Масалан, аёлни ўз хизмат мавқеини кўтариш учун бошлиқ билан жинсий алоқага киришини ва бу ҳаракатларга пора олиш жиноятининг таркиби йўқ”<sup>36</sup>, деб ҳисоблайдилар.

Барча давлатларда бўлгани каби, жамиятимизда фоҳишабозлик мавжуд бўлиб, улар эвазига хизмат кўрсатишади. Мансабдор шахсга бундай хизматни кўрсатишнинг замирида қандайдир мотив ва мақсад борлиги аниқланган тақдирда ЖКнинг 210-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Агар аёл доимий раившда фоҳишабозлик билан шуғулланса, бундай ҳолатлар мансабдор шахснинг ҳаракатларида бу жиноят таркиби бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида пора олишнинг бошқа шакллари ҳам учрайди. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш эвазига тўловларсиз туристик йўлланма олиш ёки чет элга бориб келиш ёхуд денгиз саёҳати ва текинга гаражни ремонт қилиб бериш ва бошқалар.

Жиноятни квалификация қилишда пора олувчи пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, муайян аниқ ҳаракатни бажарганлиги учун пора олишини эътиборга олиш зарур.

Пора олиш моддий таркибли жиноят бўлиб, у пора олувчи томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилганидан ёки этилмаганидан қатъи назар, пора предметининг

---

<sup>35</sup> Т.Н. Воулина, М.И.Ковалев. Уголовное пр.Особен.часть. М., Инфра, 1998 й, 608 бет

<sup>36</sup> Юқорида кўрсатилган адабиётда. 609-бет.

лоақал бир қисми олинган пайдан эътиборан, жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Россиялик олим Волженкин фикрига кўра, “пора олиш моддий таркибли жиноят бўлиб, бунда мансабдор шахс порани тўла ёки бир қисмини олганлигидан қатъи назар тугалланган жиноят ҳисобланади<sup>37</sup>”. Агар мансабдор шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда пора ололмаса, бу пора олишга суиқасд бўлади.

Франция жиноят ҳуқуқи меъёрлари объектив томоннинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи-назаридан катта қизиқиш уйғотади. Том маънода пора олиш “пассив” пора олиш деб аталади. Қонунга Франция ЖК 432-модда 11-қисмига кўра мансабдор шахсга ўз хизмат мажбуриятларини, вазифаларини, вакиллик вазифаларини бажариш ёки бажармаслик, шунингдек, давлат ёки маъмурий ҳокимият идораларида мукофот, лавозим, ишларни бажариш учун пудрат олиш ёки бошқача қарорлар чиқарилишига эришиш мақсадида ўзининг реал ёки сохта мавқеини суиистеъмол қилганлик учун таклифлар, ваъдалар, ҳадялар ёки совғалар беришни бевосита ёки билвосита сўраш ёки талаб қилиш пассив пора олиш деб аталади. Шуниси қизиқки, пора олишнинг яширин шакллари учун жавобгарлик назарда тутилган меъёрларнинг санкциялари мансабдор шахснинг пора беришни сўраб қилган илтимосининг ўзи кифоя бўлган оддий пассив пора олиш учун назарда тутилган санкциялардан анча енгил. Бу муаммонинг қонун чиқарувчи томонидан бундай ҳал қилинганлиги, авваламбор, жиноятни фош этишни енгиллаштириш, қолаверса, ҳаётий тажриба ва соғлом фикр билан изоҳланади. Хизматчи оладиган ҳар қандай қонунга зид ҳақ ҳам классик пора бўлавермайди. Мансабдор шахс қонунда назарда тутилган ёки ошириб кўрсатилган солиқлар ёхуд корхона даромадидан фоизлар тарзида кўшимча ҳақ олган тақдирда пассив пора олишни пардалаш эҳтимоли катта бўлади.

Бир қатор ҳолларда пора предмети сифатида тақдим этилган моддий ёки бошқа нафнинг хусусиятлари жиноятни тавсифлашда муҳим аҳамиятга

---

<sup>37</sup> Уголовное право. Учебник. Часть особ. М., Норма, Инфра, 608-бет

эга. Масалан, Италия Жиноят кодексига мувофиқ хизмат лавозими, стипендия, пенсия кўринишида пора олиш, мансабдор шахс манфаатдор бўлган шартномани ёзма расмийлаштириш пора олишни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади.

АҚШ ва Буюк Британия Жиноят кодексида пора предмети анча кенг талқин этилган: фақат жисмоний шахслар эмас, юридик шахслар ҳам коррупция учун жавобгарлик субъекти деб топилиши мумкин. Англия қонунларига “Оммавий ташкилотлардаги порахўрлик тўғрисида”ги 1889 йилги, “Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги 1906 ва 1916 йилги қонунларига мувофиқ ўзи ёки бошқа шахс билан биргаликда пора эвазига оғдириш мақсадида оммавий ташкилот аъзоси ёки хизматчисини бирон-бир масала ёки битим масаласига нисбатан нимадир қилиш ёки қилмасликка даъват этиш воситаси сифатида ўзи ёки бошқа шахс учун совға, қарз, гонорар, ҳақ ёки имтиёз беришни товламачилик билан талаб қилувчи ёки олувчи ёхуд олишга рози бўлган шахс пора олишда айбдор деб топилади. Пора олишдан олдинги келишув Англия суд амалиётида “коррупция келишуви” деб аталади. Моддий ҳақ берилишидан олдин содир бўлган бундай келишувнинг исботлангани ҳам, хизмат кўрсатилганидан сўнг ҳақ олингани ҳам жиноятни тавсифлаш учун аҳамиятга эга эмас.

Мамлакатимизда узоқ йиллардан бери “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш долзарб масала бўлиб келмоқда. Давлат хизматининг умумий жиҳатларини, асосларини, унинг турларини, ташкилий-ҳуқуқий механизмини, уни ўташ тартибини, шунингдек давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ягона қонуннинг йўқлиги кўп муаммолар келтириб чиқармоқда.

“Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бир неча марта қайта ишлаб чиқилди, лекин айрим сабабларга кўра қабул қилинмади. Шунингдек, “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган эди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда **“Давлат хизмати тўғрисида”**ги давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, унинг механизмини ва давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи Қонунининг қабул қилиниши давлат хизматининг самарали фаолият юритишида ва мансабдор шахслар томонидан ўз вазифаларини оғишмай бажаришида муҳим аҳамиятга эга ҳамда мазкур соҳада аниқланган пора олиш жиноятини тергов қилиш ва исботлашда мавжуд муаммо, баҳс-мунозараларни бартараф этишга хизмат қилади.

## **II БОБ. ПОРА ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ БОСҚИЧИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

### **2.1 Пора олишга оид ариза ва хабарларни текшириш - терговга қадар текширув босқичи сифатида.**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланган<sup>38</sup>. Шу билан бирга ушбу Қонунда коррупция ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов Бош прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, коррупция ҳолатларини фож этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ДХХ, ИИБ ва ИЖҚК Департаменти томонидан амалга оширилиши қонунда мустақамланган.

Мамлакатимизда коррупциянинг энг хавфли кўринишларидан бири бўлган пора олиш жиноятига қарши курашиш долзарб бўлиб, айбдорларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш учун масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида суриштирув ва тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун. 7-моддаси. ЎРҚ – 419-сон

органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 43 ва 46<sup>1</sup>-бобларида назарда тутилган терговга тегишлиликка мувофиқ ўтказилади<sup>39</sup>.

Шунингдек, мазкур модданинг 2-қисмида прокуратура органлари ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тоифасига кирмайдиган суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан суриштирувчининг, терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилиши қайд этилган<sup>40</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддасига кўра, ЖКнинг 210-моддасида назарда тутилган жиноятга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Шу сабабли, пора олиш бўйича келиб тушган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қонуний ҳал қилиш прокуратура органларининг терговчилари ваколатига кирганлиги боис улар бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тегишли прокуратуралар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

В.В.Степановнинг айтишича авваллари қонуности актларида ва ҳуқуқий адабиётда аризалар ва жиноят тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш бўйича фаолият ҳар хил номланган: “терговгача бўлган текширув”, “бирламчи текширув”, “текширув ҳаракатлари”, “текширув”, “дастлабки текширув”, “махсус текширув, тергов”.<sup>41</sup> Муаллиф юқоридаги фаолият терговдан олдин бўлишини ва жиноий иш кўзғатиш тўғрисидаги қатъий қарордан аввал амалга оширилишини ҳисобга олиб кўрсатиб ўтилган

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 11-моддаси. ЎРҚ – 344-сон

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 11-моддаси. ЎРҚ – 344-сон

<sup>41</sup> Қаранг.: Степанов, В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972. - с. 9-10.

терминлар орасида энг тўғриси “дастлабки текширув” деб таъкидлайди.<sup>42</sup> В.В.Степановнинг фикрича, жиноят тўғрисидаги хабарлар ва аризаларнинг дастлабки текшируви – бу жиноий процессуал қонуни бўйича ваколатли шахсларнинг жиноий иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ёки бошқа чоралар кўриш учун ўз вақтида ва асосланган жиноят ва бошқа ҳолатлар аломатларини аниқлашга қаратилган фаолиятидир<sup>43</sup>.

Тезкор-қидирув натижалари Россия Федерацияси «Тезкор-қидирув фаолият тўғрисидаги» Федерал қонуннинг 11-моддасига кўра жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш ва фош қилиш бўйича ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун ишлатилиши мумкин, ва шунингдек жиноий иш қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 81-моддаси 3-қисмига асосан Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ю.А.Стяжкиннинг ҳақли равишда қайд этишича тезкор-қидирув фаолиятнинг натижаларини дастлабки тергов босқичида у ёки бу ахборот манбаларини аниқлаш мумкин бўлган пайтда ишлатилиши, ахборотнинг ҳақиқийлигини, холислигини, ва ишончлилигини исбот қилиш ва ахборотнинг мазмунини бошқа тергов ёки суд ҳаракатлари чоғида аниқлаш, шунингдек суд экспертиза ўтказишда қайта текшириш мумкин<sup>44</sup>.

Пора олиш жинояти ҳақидаги ариза ва хабарлар турли мазмунда бўлишини мумкин (тайёрланаётган, муқаддам содир этилган ёки олинган пора предметини қайтариш билан боғлиқ) лигини инобатга олиб, улар

---

<sup>42</sup> Қаранг.: Ўша жойда С. 10.

<sup>43</sup> Қаранг.: Ўша жойда С. 11.

<sup>44</sup> Қаранг.: Стяжкин, Ю.А. Указ. раб. С. 38\*43.

бўйича иш ҳолатларидан келиб чиқиб, тезкор-қидирув тадбирлари ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишни тақозо этади.

Пора олиш жинояти ҳақидаги ариза ва хабарларнинг мазмунидан келиб чиқиб тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўриш усуллари, воситалари ва кучларни жалб этиш турлича бўлади. Масалан, пора олувчи шахсни жиноят устида ушлаш, мансабдор шахснинг хабари (билдиргиси) асосида пора берувчи шахсни ушлаш, муқаддам олинган пора предметини қайтариш вақтида пора олган ёки воситачилик қилган шахсларни ушлаш, мустақил ташқи манбалар асосида пора олиш жинояти содир бўлаётган ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларни ушлаш ва бошқа ҳолатлар шулар жумласидан.

Одатда, пора олиш жиноятини фош этиш учун “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган “тезкор эксперимент” тезкор-қидирув тадбирини ўтказилади ва бу орқали аризачининг важлари текширилади ҳамда ваколатли мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

**Тезкор эксперимент** — ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир<sup>45</sup>.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад пора олиш жиноятини содир этишда гумонланаётган шахсни жиноят устида қўлга олиш бўйича назорат қилинадиган сунъий шароитни юзага келтириш ҳисобланади.

Тезкор эксперимент ўзининг ташкилий-тактик хусусиятига кўра комплекс ўтказиладиган тадбир бўлиб, тезкор кузатув, сўров, маълумотлар

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 11-моддаси. ЎРҚ – 344-сон. 14-модда.

тўплаш каби бир қатор тезкор-қидирув тадбирларини ёки уларнинг айрим элементларини қамраб олади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар юзага келган вазият ва ўтказиладиган тезкор экспериментнинг хусусиятидан келиб чиқиб бошқа соҳалардаги махсус билимларидан келиб чиқиб бошқа соҳалардаги махсус билимларга эга бўлган мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Тезкор эксперимент тадбирини ўтказишда қонунийликни таъминлаш учун қуйидагиларга риоя этилиши шарт:

- жиноий ниятларни амалга ошириш учун яратилган шарт-шароит, гумонланаётган шахс томонидан у ёки бу ҳаракатни содир этиш имконини бериш лозим;

- тезкор эксперимент ўтказиш жараёнида пассив кузатув усули қўлланилиши лозим;

- тадбир жараёнида шахсни жиноят содир этишга ундаш ёки мажбур қилиш, уни ўз эҳтиёжини қонуний йўл билан қондиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатга солиб қўйиш таъқиқланади<sup>46</sup>.

Шахсни жиноят содир этишга оғдириш ҳолатларини олдини олиш мақсадида қуйидаги қўшимча шарт-шароитларга эътибор қаратилади:

- Тезкор эксперимент тадбирини ўтказиш учун асос бўлувчи ишонарли маълумотлар борлигига ишонч ҳосил қилиш;

- Жиноий ният ва жиноятга тайёргарлик кўришда гумонланаётган шахс томонидан ташаббус кўрсатилиши лозим (масалан, мансабдор шахс томонидан таъмагирлик йўли билан пора талаб қилиниши);

- Гумонланувчи шахснинг ноқонуний келишувни амалга оширишга бўлган хоҳиши ҳамда келгусида исботлаш жараёнида

---

<sup>46</sup> “Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари” Қўлланма (Практикум). В.Каримов. Тошкент.2019 йил. 14-бет.

фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар ахборот ташувчиларда қайд этилиши лозим<sup>47</sup>.

Ташкил этилаётган тезкор-қидирув тадбирининг муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга асосан тадбир раҳбари белгилаб олинishi, тадбирда ҳар бир ходим, яъни терговчи ва тезкор ходимларининг вазифалари ўзаро тақсимлаб олинishi лозим.

Айрим ҳолларда, истисно тариқасида пора олиш жинояти устида қўлга олиш юзасидан Департамент органлари ходимлари томонидан ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларида прокуратура терговчисининг иштирок этилиши талаб этилмайди<sup>48</sup>.

Қолган ҳолларда (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ҳокимлар, судьялар, туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги Президент администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасида турувчи мансабдор шахслар) ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларида прокуратуранинг терговчиси иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Пора талаб қилаётган мансабдор шахсни жиноят устида қўлга олишда дастлаб ЖПКнинг 324-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда ёзма ёки оғзаки аризалари олинади.

Ариза тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан қабул қилингандан сўнг бу ҳақида прокуратурага тадбирда қатнашиш учун терговчи ажратиш юзасидан хабар берилади. Заруратга қараб режалаштирилган тезкор тадбирга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жалб қилиниши мумкин лозим.

Ариза қабул қилинганидан сўнг тезкор қидирув тадбирини ўтказишга масъул ходимлар ижрочи этиб белгиланади.

Аризадаги важлар ва уни тасдиқловчи далиллар етарлилиги тезкор ходимлар томонидан ўрганиб чиқилиши лозим бўлади. Агарда далиллар

---

<sup>47</sup> “Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари” Қўлланма (Практикум). В.Каримов. Тошкент.2019 йил. 14-бет.

<sup>48</sup> “Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари” Қўлланма (Практикум). В.Каримов. Тошкент.2019 йил. 15-бет.

етарли бўлмаса, бундай ҳолатда аризага баённома асосида диктофон тақдим этилиши ва мансабдор шахс билан ўрталаридаги такроран суҳбат ўтказиш, тезкор йўллар билан мансабдор шахснинг лавозими, унинг ваколатлари ва шахсига оид маълумотлар тўпланиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Тезкор тадбирни ўтказувчи гуруҳ аъзоларига гуруҳ раҳбари томонидан пухта йўл-йўриқлар берилади. Бунда ҳар бир тадбир иштирокчиси, аризачи, холислар, мутахассисга уларнинг вазифаси тушунтирилади. Бунда гумонланувчини жиноят устида ушлаш, пора предмети ва ашёвий далилларни ЖПК талаблари асосида олишнинг барча эҳтимолий версиялари ишлаб чиқилиши, ҳар бир версия бўйича иштирокчиларнинг ҳаракати аниқ белгилаб олиниши лозим.

Тезкор-тадбир иштирокчиларининг ўз жойларини эгаллаши, имкон қадар пора олди-берди жараёнини кузатиб туришлари ва доимий бир-бирлари билан алоқада (рация, уяли телефон ва ҳ.к.) бўлиб туришлари тезкор-тадбирнинг белгиланган режада асосида ўтишининг кафолати ҳисобланади.

Гумонланувчи шахс пора предметини олганидан сўнг аризачи томонидан олдиндан келишилган шартли ишорани беради ва шу билан пора олувчини ушлаш тадбири бошланади. Бу жараёни прокуратура терговчиси, у бўлмаган тақдирда тезкор гуруҳ раҳбари ўз назоратида ушлаб туриши, ходимлар томонидан ЖПК талабларига зид хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиши зарур.

Аризачи томонидан шартли ишора берилганидан сўнг тадбир иштирокчилари фурсатни бой бермасдан гумонланувчининг олдида боришлари, атрофни ўраб олиб, далилларнинг йўқ қилиниши ва гумонланувчининг қочиб кетишини олдини олиши ҳамда ён-атрофдаги шахслардан жойларида қолишини таъминлашлари зарур. Терговчи гумонланувчига хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, тезкор тадбир ўтказиш



асосларини маълум қилиб, ким билан нима мақсадда учрашганлиги ҳақида сўрайди.

Сўнгра, мутахассис томонидан ўша жойнинг ўзида пора олишда гумонланаётган шахснинг қўллари, боши ва кийимларини кўздан кечириш лозим. Гумонланувчи томонидан келгусида кимёвий кукун бўйича эътирозлар билдирилишининг олдини олиш мақсадида уни қочиб кетишига масъул ходимлар қўлларининг кафтидан ва кийимларининг ташки қисмларидан тутишлари мақсадга мувофиқ эмас. Махсус кукун излари аниқланган тақдирда пора олган шахс ва холисарга намоёйиш этилиб, тегишли тартибда суртмалар олинди, пакетларга жойлаштирилади. Пакетлар елимланиб, имзоланади ва муҳрланиб, бу ҳақида баённомада акс эттирилади.

Тезкор тадбир давомида амалга оширилган барча ҳаракатлар, қўлланилган махсус техника воситалари, пора олган шахс томонидан билдирилган важлар, олинган ашёвий далиллар баённомада акс эттирилиши ва видео тасвирга олинishi лозим.

Ушланган шахс олинган поранинг бир қисмини ўзига олиб қолиб ёки олиб қолмасдан уни бошқа мансабдор шахс ёки фуқарога бериши лозимлиги ва бу ҳолат аввалдан келишиб олинганлигини маълум қилган бўлса, унинг розилиги билан тезкор тадбир давом эттирилади.

Кейинги давом эттириладиган тезкор тадбир худди юқоридаги тартибда амалга оширилади ва расмийлаштирилади. Бунда муқаддам фойдаланилган пора предметдан такроран фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91-моддасида далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкинлиги, ва суриштирувчи, терговчи, суд

далилларни мустаҳкамлашнинг бу усулларини қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкинлиги белгиланган.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар порахўрни ушлаш давомида амалга оширилиши лозим бўлган умумий ҳолатлар бўлиб, тезкор-қидирув тадбирларини амалда ўтказишда ҳар бир ҳолатга алоҳида индивидуал тартибда ёндашиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратуранинг 2013 йил 6 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақидаги Йўриқномани”нинг 14-бандида жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ далилий ашё сифатида эътироф этиш учун тезкор-қидирув тадбири натижасида олинган (тайёрланган) фотографик негативлар ва суратлар, кинотасмалар, диапозитивлар, фонограммалар, видеоёзув кассеталар, компьютер ахборот ташувчилар, чизмалар, режалар, схемалар, маълумотлар, шунингдек бошқа моддий объектлар ҳам илова қилиниши мумкинлиги белгиланган. Ушбу талабдан келиб чиқиб, пора олиш жиноятини содир этаётган шахснинг жиноятини фош этишда фақатгина пора предмети сифатида тақдим этилаётган ва кимёвий ишлов берилган пулларни тақдим қилиш ва уни ашёвий далил тариқасида олиш билан чекланиб қолиш ярамайди. Чунки, тезкор тадбирларнинг аксариятда пора предмети бўлган пулларни гумонланувчи бевосита қўлига олмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда.

Шу боисдан, порахўрнинг асл мақсади нимага қаратилганлигини аниқлаш, нима қилмоқчилиги, қандай бажармоқчи эканлигини ва бошқа

ҳолатларни аниқлашда, кўпроқ далил тўплашда у билан аризачи ўртасида бўлиб ўтадиган суҳбат жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун аризачи гумонланувчи билан пулни олди-берди қилиш жараёнида нималар ҳақида гапириши, гумонланувчига қандай саволлар бериши, унинг жавоб вариантларидан келиб чиқиб нималар ҳақида суҳбат олиб бориши ҳақида, агар имкон бўлса гумонланувчидан кафолат сўраш, алдаб кетмаслиги учун ишонарли гапларни айтишини сўраши ҳақида тўлиқ тушунчалар бериш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сонли Қонунига асосан шахсни ушлаш, ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳамда ҳимоячидан воз кечиш процессуал ҳаракатлари видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди<sup>49</sup>.

18.02.2021 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди (ЎРҚ–675, 18.02.2021 й.).

Унга кўра, жиноят ишида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар кенгайтирилди. Қонун билан Жиноят процессуал кодексга киритилган қўшимчаларга кўра: шахс амалда ушланган ёки уни ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири яқунланган пайдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунга қадар ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланиши, тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи органлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан аризалар, тушунтиришлар ва кўрсатувлар олиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши (ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно) белгиланди.

---

<sup>49</sup> 91-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексга киритилган ўзгартиришларга кўра ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайдан эътиборан кўпи билан 48 соатни ташкил этади (илгари ушбу муддат шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланган).

Ушбу киритилган ўзгартиришлар қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинишларнинг ҳамда шахснинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикка дучор этилишини олдини олади.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Россияда мансабдор шахснинг пора сўраганлиги ҳолати юзасидан тезкор-тадбир ўтказишдан олдин ариза ёзган шахсдан дастлаб, батафсил тушунтириш олиш ва бу жараёни видеоёзувга қайд этиш лозим<sup>50</sup>.

Бундан ташқари, тезкор-қидирув идораси ходими аризачининг хавфсизлигини таъминлаш ва унга келгусида пора олган шахс ва унга алоқадор бошқа шахслар томонидан турли кўринишдаги руҳий ва жисмоний тазйиқларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўриши лозимлиги белгиланган. Шулар қаторида пора олган шахс ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилотнинг юқори турувчи раҳбари билан профилактик суҳбат олиб бориши қайд этилган<sup>51</sup>.

Россия Жиноят-процессуал кодексига яна бир эътиборли жиҳати, пора олганлик юзасидан тезкор-тадбир ўтказилиб, гумонланувчи суриштирув ёки тергов органига келтирилганидан сўнг 3 соат ичида уни ушлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши лозим<sup>52</sup>.

---

<sup>50</sup> Проводные основы проведения оперативно-розыскных мероприятий в целях выявления и документирования получения взяток. Учебно-методическое пособие. Санкт-Петербургская академия Следственного комитета. Санкт-Петербург-2018. Ст-18.

<sup>51</sup> Проводные основы проведения оперативно-розыскных мероприятий в целях выявления и документирования получения взяток. Учебно-методическое пособие. Санкт-Петербургская академия Следственного комитета. Санкт-Петербург-2018. Ст-19.

<sup>52</sup> “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 №174-ФЗ. Ст-92.

ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган. Пора олиш жиноятини фош этиш бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш талаб этилади ва уларнинг айримларида холислар иштироки мажбурий ҳисобланади. Масалан, кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув, экспертиза тайинлаш ва бошқаларда.

Бироқ, ЖПКнинг 73-моддасида холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун чақирилиши мустаҳкамланган. Бу эса ўз навбатида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан холисларни чақириш қонунчиликда мустаҳкамланмаганлигидан далолат беради.

Юқоридаги каби ҳолатлар ҳамда баённомаларни расмийлаштиришдаги камчиликлар аксарият пора олиш билан дастлабки терговда айбланган шахсларнинг кейинчалик айби тўла исботланмаганлиги сабабли судда оқланиб кетганлиги гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Диссертация иши доирасида сўнгги 5 йилдаги ЖКнинг 210-моддаси бўйича оқланган жиноят ишлари таҳлил қилинганда, қуйидаги рақамлар келиб чиқди:

- 2016 йилда 12 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган бўлиб, шундан 3 тасига тезкор тадбир ўтказишдаги хато ва камчиликлар, 2 тасига баённомаларни расмийлаштиришда ЖПК талабларига риоя этилмасдан тузилганлиги, 3 тасига аризачи, гувоҳ ва холислар ўз кўрсатувларини ўзгартирганлиги ва 4 тасига бошқа асослар сабаб бўлган;

- 2017 йилда 33 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган бўлиб, шундан 5 тасига тезкор тадбир ўтказишдаги хато ва камчиликлар, 11 тасига баённомаларни расмийлаштиришда ЖПК талабларига риоя этилмасдан тузилганлиги, 14 тасига аризачи, гувоҳ ва холислар ўз кўрсатувларини ўзгартирганлиги ва 3 тасига бошқа асослар сабаб бўлган;

- 2018 йилда 72 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган бўлиб, шундан 17 тасига тезкор тадбир ўтказишдаги хато ва камчиликлар, 15 тасига баённомаларни расмийлаштиришда ЖПК талабларига риоя этилмасдан тузилганлиги, 29 тасига аризачи, гувоҳ ва холислар ўз кўрсатувларини ўзгартирганлиги ва 11 тасига бошқа асослар сабаб бўлган;

- 2019 йилда 91 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган бўлиб, шундан 23 тасига тезкор тадбир ўтказишдаги хато ва камчиликлар, 17 тасига баённомаларни расмийлаштиришда ЖПК талабларига риоя этилмасдан тузилганлиги, 34 тасига аризачи, гувоҳ ва холислар ўз кўрсатувларини ўзгартирганлиги ва 17 тасига бошқа асослар сабаб бўлган;

- 2020 йилда 96 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган бўлиб, шундан 22 тасига тезкор тадбир ўтказишдаги хато ва камчиликлар, 19 тасига баённомаларни расмийлаштиришда ЖПК талабларига риоя этилмасдан тузилганлиги, 39 тасига аризачи, гувоҳ ва холислар ўз кўрсатувларини ўзгартирганлиги ва 16 тасига бошқа асослар сабаб бўлган. Бу ҳақидаги батафсил жадвал диссертация ишига илова қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, пора олиш жиноятини фош этишда конунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш ва тергов қилишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали далилларни тезкорлик билан сифатли тўплашга эришилади.

Бу эса гумонланувчи, айбланувчи ёки бошқа фуқаролар томонидан терговга қадар текширув ва дастлабки терговни олиб бораётган орган ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилиги ёки бошқача кўринишдаги дастлабки терговга босим ўтказишга йўналтирилган асоссиз муурожаатларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш шахсларнинг ҳуқуқларини тўла амалга оширишни, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиқлар ўтказилмаслигини таъминлашга ёрдам берадиган самарали воситалардан биридир. Уларни амалиётда кенг татбиқ этиш пора олиш жиноятларини тез ва сифатли, ортиқча сарсонгарчиликсиз фош этиш имконини беради.

## **2.2 Пора олиш билан боғлиқ жиноят ишини кўзғатишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар.**

Пора жиноятларининг иссиқ изидан фош этилишида прокуратура терговчилари билан тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларининг самарали бирга ишлашлари кўзланган натижаларни беради.

Ушбу тоифадаги жиноятларни очиш ижодий ва жуда ҳам мураккаб иш бўлиб, уни илмий изланиш билан таққосласа бўлади. Терговчининг кўп қиррали ижодида ҳамма важлар муҳимдир, у жиноятни очибгина қолмасдан, уни очишда хатога йўл қўймаслиги керак. Зеро, ҳеч бир фуқаро айбсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва жазо тайинланмаслиги керак.

Пора талаб қилган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини фош қилиш юзасидан ўтказилган тезкор-қидирув фаолияти натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорга техника воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар кўшилган ҳолда тақдим этилади. Тақдим этиладиган материалларнинг ҳажми тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади<sup>53</sup>.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 90-92-моддалари тартибида процессуал қарор қабул қилиш ҳамда жиноят ишига қўшиш учун суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳудудий орган раҳбари (бошлиқ ёки тезкор ишлар бўйича ўринбосар) томонидан тасдиқланган қарор асосида амалга оширилади.

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 585-модда) 19-моддаси



Қарор икки нусхада тузилади, унинг биринчи нусхаси суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга юборилади. Қарорнинг иккинчи нусхаси тезкор-ҳисоб ишларига ёки улар бўлмаганда махсус номенклатура йиғма жилдларига қўшиб қўйилади<sup>54</sup>.

Пора талаб қилганлик жиноятига оид ариза ва хабарларни, шунингдек оғзаки хабар бўйича ЖПКнинг 324-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган баённома, тезкор-қидирув тадбирлари натижасида тўпланган ҳужжатларни юбориш тўғрисида шу орган раҳбарининг қарори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 27 ноябрдаги 65-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисидаги йўриқнома” асосида “Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш китоби. Ф-1Д” шаклидаги китобга рўйхатга олинади.

Бундай хабарлар бўйича фотосурат, овозли ёзув, видеоёзув ва бошқа тезкор-қидирув воситаларини қўллаган ҳолда жиноятни фош этишга қаратилган текшириш ташкил қилиниши, ўн суткадан кечиктирмасдан, янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса, суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра прокурорнинг розилиги билан бир ой муддатда жиноят иши кўзғатиш масаласи ҳал қилиниши лозим.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор пора олиш жиноятига оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

---

<sup>54</sup> 2013 йил 6 декабрдаги 40, 101, 01-02/4-34, 16/17-сонли қарор билан тасдиқланган “Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома” нинг 10-банди.

ЖПКнинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради.

ЖПКнинг 331-моддасига кўра, қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувиغا олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

ЖПКнинг 345-моддасига кўра, ЖКнинг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жинояти бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлиб, ушбу жиноятга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланган.

Агар жиноят иши бошқа орган терговчиси ёки суриштирувчиси томонидан қўзғатилганда терговга тегишлилиги бўйича прокуратура органига юбориши шарт.

Мансабдор шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси билан жиноят ишини қўзғатишда шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлигига, ашёвий далилларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигига, гувоҳларнинг тушунтиришларига, далилларни тўплашда процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

ЖКнинг 210-моддаси билан жиноят ишини қўзғатишда жиноятнинг субъекти ва унинг ваколатларига аниқлик киритиш жудаям муҳим ҳисобланади. Пора олганлик учун жиноий жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортилиши, пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмасида, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор

шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган мансабдор шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти деб топилиши лозим<sup>55</sup>.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, Россия Жиноят процессуал кодексида алоҳида тоифадаги шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалаларига бағишланган 8-бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлимнинг 448-моддасида:

- Федерация Кенгаши аъзоси ва Давлат Думаси депутати нисбатан – Россия федерацияси Бош прокурорининг такдимномасига асосан Федерация Кенгаши аъзоси ёки Давлат Думасининг розилигига асосан Тергов кўмитаси раиси томонидан;

- Россия Федерацияси Бош прокурорига нисбатан – Президентнинг такдимномасига асосан Олий суднинг учта судьясидан иборат коллегия хулосасига кўра Тергов кўмитаси раиси томонидан;

- Россия Федерацияси Тергов кўмитаси раисига нисбатан – Президентнинг такдимномасига асосан Олий суднинг учта судьясидан иборат коллегия хулосасига кўра Тергов кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи томонидан;

- Россия Федерацияси Конституциявий судининг судьясига нисбатан – Конституциявий суднинг розилиги билан Тергов кўмитаси раиси томонидан;

- Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг раиси, унинг ўринбосари ва аудиторларига нисбатан - Тергов кўмитаси раиси томонидан;

- Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича раисига нисбатан - Тергов кўмитаси раиси томонидан;

- Ўз ваколатини тугатган Россия Федерациясининг президенти, шунингдек Россия Федерацияси Президентлигига номзодга нисбатан - Тергов кўмитаси раиси томонидан;

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. 3-банди

- Россия Федерациясининг таъсис субъектлари Қонунчилик органи депутатига нисбатан - Россия Федерациясининг таъсис субъектларидаги Тергов кўмитасининг ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан жиноят иши кўзғатилиши белгиланган<sup>56</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят процессуал қонунчилигида эса алоҳида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан ЖКнинг 210-моддаси ва бошқа моддалари билан жиноят иши кўзғатиш масаласи ёритилмасдан, бошқа қонун нормаларига ҳавола қилинган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 70-моддасига кўра судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига кўра адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кўзғатилиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонунининг 49-моддасига кўра прокурор, терговчи ва суриштирувчига нисбатан жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат мазкур ҳудудда жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслиги, депутат тегишли халқ депутатлари

---

<sup>56</sup> <https://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi.04247084371002008>

Кенгашида овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан, ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат ҳақорат қилишга, тухмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилиши белгиланган. Ушбу Қонуннинг 12-моддасида депутатларни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорининг ёки юқори турувчи прокурорнинг тақдимномасига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан **ўн кун ичида** ҳал этилади. Депутатни жиноий жавобгарликка тортишга, ушлаб туришга, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги прокурор тақдимномаси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Агар депутат ўзи халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, депутатни жиноий жавобгарликка тортишга, ушлаб туришга, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш талаб қилинмайди<sup>57</sup>.

Шу жойда бир ўринли савол туғилади: пора олиш жиноятини фош этиш, далилларни аниқлаш, олиш ва тўплаш одатда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишни талаб этади. Юқоридаги Қонун талабидан келиб чиқадиган бўлсак, прокурор томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигини олиш учун кетган 10 кунлик

---

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси.

вақт мобайнида бошқа жиноятнинг олдини олиш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга раҳна солувчи ҳаракатларни қилмаслиги кафолати нима?

Масалан, 2020 йилнинг апрель ойида халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Толиб Муҳаммадиев ва ИИБ ходимлари ўртасидаги тортишув ижтимоий тармоқларнинг муҳокама мавзусига айланди. Мазкур ҳолат юзасидан Наманган шаҳар прокуратураси томонидан халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашига депутат Т.Муҳаммадиевга нисбатан ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатиш ва “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида розилик сўралган. Бироқ, етарли асослар ва далиллар мавжуд бўлсада, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши томонидан дастлаб розилик берилмаган. Орадан бир неча кун ўтгач, депутат Т.Муҳаммадиевга нисбатан жиноят иши қўзғатишга розилик берилиб, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўллашга розилик берилмаган.

Шу боисдан юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, жиноятларни иссиқ изидан фош этиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 331-моддасига қўшимча киритиш лозим бўлади.

Жумладан, ЖПКнинг 331-моддасини 6-қисм билан тўлдириб, унга кўра: “дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилади” деб қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ЖКнинг 210-моддаси билан жиноят ишини қўзғатишда давлат иштирокидаги ташкилотнинг мансабдор шахси ҳамда нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси томонидан содир этилган бир

хил турдаги жиноий хатти-ҳаракатлар учун жиноят кодексининг турли моддаларида жавобгарлик белгиланганлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Масалан, ЖКнинг 210-моддасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан пора олганлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлса, ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддасида порани тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахси олган тақдирда жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Шу сабабли, тергов органларининг олдида қилмишга баҳо бериш учун биринчи навбатда жиноят содир этган мансабдор шахс ишлайдиган ташкилотнинг мулк ҳуқуқини тўғри аниқлаб олиш вазифаси туради.

Бироқ, амалиётда айрим пайтларда мутахассислар иштирокисиз муайян бир ташкилот ёки корхонада давлат улуши бор-йўқлигини аниқлаб олишда қийинчиликлар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармонида “Худудий электр тармоқлари” АЖ йирик давлат корхонаси ва хўжалик бирлашмаси сифатида қайд этилган.

Мисол сифатида келтирадиган бўлсак, “Хоразм худудий электр тармоқлари” АЖнинг Низомига мувофиқ ушбу жамият устав фондининг 99,95 фоиз улуши “Худудий электр тармоқлари” АЖга тегишлидир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.10.2016 йилдаги “Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ 2635-сон Қарорининг 5-бандида:

- акциядорлик жамиятларининг устав фондида давлат улуши бўлган акцияларига давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, Марказий банк ҳамда Реконструкция қилиш ва ривожлантириш фондига тегишли акциялар кириши;

- хўжалик бошқарув органларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган акциялар устав фондидаги давлат улуши бор акциялар ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли Қонунининг 3-моддасига кўра устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилиши белгиланган.

Бундан кўринадики, “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ давлат улуши мавжуд бўлмаган тижорат ташкилоти эканлигини англаш мумкин.

Шундай ҳолатда “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ мансабдор шахси ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига амалга оширган тақдирда, унинг қилмишларини ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси билан квалификация қилиш лозим бўлади.

Бироқ, “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг мансабдор шахси аслида тўғридан-тўғри давлат улуши мавжуд бўлмаса-да давлат корхонаси томонидан ташкил этилган давлат ташкилотидир. Унинг мансабдор шахси томонидан содир этилган пора олиш жиноятини ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси билан квалификация қилиш мақсадга мувофиқ бўлмай, ЖКнинг 8-моддасида белгиланган одиллик принципи нормаларига, яъни шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги талабларига мос келмайди.



Шу сабабли, ЖК ва бошқа қонунларга ўзгартириш киритиш таклифини бериш лозим бўлади.

Чунки, ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси 1-қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланса, 210-модданинг 1-қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар таснифига киради ва табиийки уларга белгиланган жазолар ўртасида катта фарқ бор.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, амалдаги ЖК ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 22.02.2021 йилда “regulation.gov.uz” норматив-ҳуқуқий лойиҳалар муҳокамаси порталида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси лойиҳасига қуйидагича ўзгартириш киритиш таклифини берилади:

Амалдаги ЖКнинг 8-бўлимида қайд этилган ёхуд лойиҳадаги ЖКнинг 3-моддасидаги “Давлат иштирокидаги ташкилот” атамасининг 2-бандда берилган “тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти” деган тушунчага “**...тижорат ва** нотижорат ташкилоти” деб тўлдириш таклифи берилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги ҳолатлар бўйича қонунга тегишли ўзгартиришларни киритиш давлат органи томонидан ташкил этилган тижорат ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини мустаҳкамлаш уларнинг хизмат вазифаларига нисбатан масъулиятини кучайтиради ва тизимнинг барқарор ўсишига кўмак бериб, коррупциянинг олдини олиш борасида ўз самарасини беради. Шунингдек, терговчига пора олиш бўйича жиноят иши қўзғатилгандан кейин далилларнинг йўқ қилинишини, гумонланувчининг бошқа жиноят содир этилишининг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, далиллар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ҳамда қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўриш имконини беради.

## **III БОБ. ПОРА ОЛИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ БОСҚИЧИДА МУАЙЯН ҲАРАКАТЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ.**

### **3.1 Пора олиш жиноятини тергов қилишда алоҳида тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг хусусиятлари**

Пора олиш ҳақидаги жиноят иши жамоатчилик, мансабдор шахслар вакилларининг маълумотларига кўра, фуқароларнинг аризалари, матбуотдаги хабарлар ва ваколатли органларнинг тезкор-қидирув тадбирлари орқали фoш этилади. Терговчи, жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қиларкан, юз берган вазиятни ва бошланғич маълумотларни баҳолайди ҳамда уларга асосан версиялар ишлаб чиқиб, тергов режасини тузади.

Ҳуқуқшунос олимлар С.О.Ўразбаев, И.Р.Астанов, Б.З.Каримовлар порахўрликни тергов қилишнинг типик вазиятларига қўйидагилар тергов ҳаракатларини ўтказишни айтиб ўтишган:

#### ***1. Жиноят ҳақидаги ахборот тезкор манбалардан тушганда:***

- а) Гувоҳларни сўроқ қилиш;
- б) Ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш;
- в) Суриштирув органларига тезкор қидирув чораларини амалга оширишни топшириш;
- г) Пора берувчи ва пора олувчини ашёвий далиллар билан ушлаш; уларни шахсий тинтув қилиш;
- д) Порахўрларнинг яшаш жойида тинтув ўтказиш ва унинг мол-мулкига банд солиш;
- е) Гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш.<sup>58</sup>

***2. Порахўрлик факти ҳақидаги ахборот расмий манбалардан тушган. Порахўрларга уларнинг ҳаракатлари билан ҳуқуқни муҳофаза***

---

<sup>58</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 17-бет.

**қилувчи органларнинг ходимлари қизиқайтганлиги маълум:**

- а) Гувоҳларни сўроқ қилиш;
- б) Хужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш;
- в) Суриштирув органларига тезкор қидирув чораларини омалга оширишни топшириш;

**3. Кейинги тергов ҳаракатлари:**

- а) Таниб олиш учун кўрсатиш;
- б) Гувоҳларни сўроқ қилиш;
- в) Айбланувчиларни сўроқ қилиш;
- г) Юзлаштириш;
- д) Суд экспертизаларини тайинлаш.<sup>59</sup>

Маълум бир мансабдор шахс томонидан пора олинганлиги ҳақида аниқ далил мавжуд бўлса. Бундай ҳолларда, одатда, жиноят иши кўзгатилади ва тергов режаси тузилади.

Бошланғич тергов жараёнида:

а) гувоҳларни сўроқ қилиш, мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ҳаракатлар қилинганлигини тасдиқловчи хужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш;

б) пора берувчини ушлаш ва сўроқ қилиш; шерикларни тинтув қилиш, пора предметини кўздан кечириш;

в) юзлаштириш, криминалистик экспертиза тайинлаш, керак бўлса хужжатларни суд-дастхат ёки криминалистик техник ўрганиш, товаршунослик экспертизаси тайинлаш, тинтув пайтида шубҳаланувчидан олиб қўйилган нарсаларнинг тури ва сифатини аниқлаш, суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаб, маблағ тўловлари тўғрилигини ҳисобга олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим<sup>60</sup>.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Беларуссияда пора олиш жиноятини тергов қилишдан олдин тергов

<sup>59</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 18-бет.

<sup>60</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 18-бет.

режасини тузишда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиб, тергов режасининг асосини ташкил этади:

- 1) Пора олиш бўйича олинган барча маълумотларни текшириш ва уларни белгиланган тартибда ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиш;
- 2) Тезкор эксперимент давомида тўпланган ва олинган ашёвий далиллар, ҳужжатларни синчковлик билан текшириш;
- 3) Порани олган вақтда ушлаш;
- 4) Пора олиш жойини кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш.<sup>61</sup>

Жиноятни тергов қилишда, дастлаб қуйидаги тергов ҳаракатларини ўтказилиши тавсия қилинади:

- 1) Аризачини сўроқ қилиш;
- 2) Пора олишга алоқадор бўлган барча шахсларда тинтув ўтказиш;
- 3) Пора олганни ушлаш (задержание взяточника);
- 4) Шахсий тинтув ўтказиш;
- 5) Пора предметини кўздан кечириш;
- 6) Гумонланувчини сўроқ қилиш;
- 7) Ишга алоқадор ҳужжатларни кўздан кечириш;
- 8) Мол-мулкка таъқиқ қўйиш ёхуд қидирувга бериш;
- 9) Гувоҳларни сўроқ қилиш;<sup>62</sup>

Беларуссия фуқаролик кодексида мансабдор шахслар, уларга алоқадор бўлган жисмоний ва юридик шахсларга ҳада қилиш таъқиқланганлиги эса алоҳида аҳамиятга эга.

Барча ҳуқуқшунослар олимлар пора олиш жиноятини тергов қилиш чоғида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг мажбурий кетма-кетлигини белгилашдан тийилиб, тавсиявий йўналишларда ўз фикрларини ва

---

<sup>61</sup> Методика расследования коррупционных преступлений: Научно-практическое пособие для следователей и оперативных работников правоохранительных органов/С.В.Войцеховская, В.Х.Кадыров и др. – Мн.,2005. 75-бет.

<sup>62</sup> Методика расследования коррупционных преступлений: Научно-практическое пособие для следователей и оперативных работников правоохранительных органов/С.В.Войцеховская, В.Х.Кадыров и др. – Мн.,2005. 76-77-бет.

мулоҳазаларини билдиришган. Чунки, ҳар бир ҳолатдаги жиноят шу тоифадаги бошқа бир жиноят бўйича ўзининг хусусиятлари, содир этиш механизмлари ва бошқа вазиятларига кўра тубдан фарқ қилади. Шу сабабдан ҳам юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолатда пора олиш жиноятини тергов қилишда тергов режасини тузиш ва ўтказиладиган тергов ҳаракатлари бўйича қарор қабул қилиш терговчининг маҳоратига боғлиқдир.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида айбланувчи томонидан ўзининг аввал берган кўрсатувларини ўзгартириб, бошқача кўрсатмалар бериш ҳолатлари кузатилади. Кўрсатмаларни ўзгартириш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан, айбланувчининг айби тергов жараёнида исботланмаётганини билганида, тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчи йўл қўяётган хатоликлар, бошқа иштирокчилар билан ўзаро келишган ҳолда аввал берган кўрсатувларидан қайтиш, гувоҳларни ёлғон кўрсатувлар беришга кўндириш, жиноят ишини бир терговчидан бошқасига ўтиши ва ҳ.к.

Шундай ҳолатларда, биринчи навбатда айбланувчининг нима сабабдан ўзининг аввал берган кўрсатувларидан қайтиб кетиш сабабларини аниқлаш лозим. Сўнгра, аниқланган сабабга қараб тергов қилиш йўналишини қайта кўриб чиқиш ва камчиликларни бартараф этиш учун қўшимча далилларни тўплашга эътибор қаратиш керак бўлади.

Авалло, жиноят устида қўлга олишни синчков тарзда режалаштириш зарур. Жиноят устида қўлга олингандан сўнг пора олувчини ўша заҳоти, пора предмети унга қай йўсинда келиб тушганлиги ҳақида баҳона топмасидан туриб сўроқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда кўпинча пора олувчи ўз айбини тан олади ва ҳаққоний кўрсатувлар бера бошлайди. Шу сабабдан ҳам ЖПКнинг 325-моддасида ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозимлиги белгиланган.

Пора олиш жиноятини тергов қилишда айрим тергов ҳаракатларини

Ўтказишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

**Шахсий тинтув ва порахўр шерикларининг уй-жойларини ҳамда мансабдор шахсининг-пора олувчининг иш жойини тинтув қилиш** мазкур жиноятни тайёрлаш тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва пора предметларини, жиноий йўл билан топилган моддий бойликларни топиш ва олиб қўйиш мақсадида амалга оширилади. Одатда шахсий тинтув ва хона тинтуви бир вақтда амалга оширилади. Алоҳида эътибор пора олувчининг пора берувчи, воситачи ва бошқалар билан алоқасини тасдиқловчи хатларга, почта квитанциялари, турли хил ёзувлар, телефон номерларига қаратилиши лозим. Тинтув пайтида шунингдек, шифрланган ёзувлар, шубҳа остидаги шахс ўз алоқасини инкор этувчи шахс тушган фотосуратларга эътибор бериш керак<sup>63</sup>.

**Ҳужжатларни кўздан кечириш** жуда муҳим тергов ҳаракатларидан биридир. Баъзи бир ҳолатларда у пора олиш-бериш ҳолатларига алоқадорларни аниқлашга имкон яратса, бошқа бир ҳолатларда порахўрликка йўл очиб берувчи ҳисоботни йўлга қўйилмаганлигини аниқлайди, учинчидан мансабдор шахсни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб маълум бир ҳаракатларни амалга оширганлиги ёки оширмаганлигини тасдиқлайди. Ҳужжатларни кўздан кечириш жиноятчи киритган ўзгартиришлар, қалбакилаштириш, ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ноодатийлиги, тегишли реквизитларнинг мавжудлиги, мансабдор шахсининг иш бажарилганлиги тўғрисидаги устхат ва белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Порахўрлар ўз жиноий кирдикорлари изларини йўқ қила олмасликлари учун ҳужжатларни кўздан кечиришни кечиктириб бўлмайдди.

**Гувоҳларни сўроқ қилиш.** Порахўрлик бўйича гувоҳлик бериши мумкин бўлган шахслар гуруҳи жиноят иши кўзгатилишига асос бўлган материалларга боғлиқ. Қуйидагилар одатда гувоҳ сифатида сўроқ

---

<sup>63</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 21-бет.

килинадилар: уларга нисбатан таъмагирлик қилган шахслар, порани бериш-олишни кўрганлар; порахўрни жиноят устида қўлга олишда иштирок этганлар; порахўрликда гумон қилинаётган мансабдор шахснинг хизмат фаолияти билан таниш бўлганлар ёки унинг кўрсатмаларини бажарганлар; порахўрнинг шахси ва ахлоқини таърифлаб бера олувчилар (хамкасабалар, қўшнилари, қариндошлар). Бу гувоҳлар гуруҳи порахўрлик шерикларининг алоқалари ва пора олишнинг шарт-шароитлари ҳақида керакли маълумот бера оладилар. Гувоҳлик олингандан сўнг гувоҳ-холиснинг пора олинган жойда кўрсатувларини текшириш мумкин<sup>64</sup>.

Гувоҳларни сўроқ қилиш ҳам бир неча гуруҳларга бўлинади. Уларнинг биринчи гуруҳи аризачи ва амалдорни алоқаси фактини тасдиқловчи гувоҳлар ҳисобланади. Бундай шахсларга аризачи ва мансабдор шахснинг яқинлари, кўрсатилган субъект билан учрашуви тўғрисида унинг ўзидан эшитган шахслар, қўриқлаш хизмати ходимлари, гардеробчилар, секретар референтлар, мансабдор шахсга бўйсинувчи ходимлар, аризачи берган ҳужжатларни бевосита кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган шахсларни киритиш мумкин.<sup>65</sup>

Терговчи гувоҳни кўрсатув беришдан бўйин товлашининг олдини олиш учун унга фактларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши ва таништириш мақсадга мувофиқдир. Бунда гувоҳларни ўзлари тузган ҳужжатларни ўзига кўрсатилиши кучли таъсир этишини эсда тутиш лозим.

Порахўрликни тергов қилишнинг баъзи ҳолларида пора бериш-олиш, шунингдек бошқа ҳаракатларни амалга оширишда кузатишни текшириш учун *тергов экспериментлари* ўтказилади.

***Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш.*** Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бошланғич ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун ушбу тергов ҳаракатини тезроқ, ўз вақтида ва сифатли ўтказиш унумли натижа беради.

---

<sup>64</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 21-бет.

<sup>65</sup> М.М.Қурбонов, Б.Х.Ҳамидов, О.Т.Ганиев, Б.З.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020.-51-бет.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жиноятни очишга ёрдам берадиган ва айбдорни фош қилиши мумкин бўлган ҳолатларни бевосита ўрганиш, далиллар топиш, уни процессуал расмийлаштириб олишга қаратилган ҳаракат эканлигини ёдда тутиш лозим.

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда терговчи қуйидаги вазифани белгилаб олиш билан бажаришга интилиши лозим. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ҳодиса содир бўлган жой билан бевосита танишиб чиқиш;
- бундай жиноятларга тегишли далил бўла оладиган предметлар, буюмлар ва нарсаларни топиш, уларни процессуал қайд этиш, расмийлаштириш ва олиб қўйиб ишга қўшиш;
- жиноят содир бўлганда атроф-муҳитдаги ўзгаришларни аниқлаш ва расмийлаштириш;
- жиноят ҳодисаси ҳолатлари бўйича терговчини кизиқтирувчи баъзи масалаларни ҳал қилиш;
- жиноят жойини кўздан кечиришда хусусий тусмолларни тузиш ва уларни текшириш масалаларини кўриб режалаштириш;
- ушбу жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришда бевосита жиноятчилар ёки қидирилиши керак бўлган кишилар доирасини кўрсатувчи маълумотларни қўлга киритиш масалаларини ҳал қилиш;
- жиноят бўйича жабрланувчи, гувоҳлар ва гумон қилинувчиларнинг баъзи кўрсатувларини жиноят предметиға нисбатан текшириб кўриш масалаларни ҳал қилиши лозим<sup>66</sup>

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-бериш жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, кўпинча шахсларни ҳам *гувоҳлантириш*га тўғри келади. Бундай жиноятларда воситачилик қилган

---

<sup>66</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019. 24-бет.



шахсларни жиноят устида қўлга тушириш тезкор-қидирув ходимлари билан биргаликда ўтказилади.

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсларни жиноят устида қўлга олганда пора предметдан қолган изларни аниқлаш учун шу шахслар гувоҳлантирилади. Чунки, кўпинча пора ушбу шахсларнинг кийими, кўли ва бошқа жойларида пора предметларининг излар қолади, буни аниқлаш эса жиноятларни фош этишнинг муҳим омиллардан биридир.

**Таниб олиш учун кўрсатиш.** Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин таниб олувчи шахснинг кўрсатувлари билан батафсил танишиб, ҳақиқатдан ҳам таниб олувчи шахс тўғри кўрсатув бераётими, уларнинг орасида шахсий адовати бўлмаган, таниб олувчи шахснинг кўрсатувларида шубҳа уйғотувчи негизлар йўқлигини, таниб олувчи шахснинг кўрсатувларида таниб олувчини ташқи қиёфа белгилари тўлиқ тасвирлаб ёзилганлигига аҳамият бериш лозимдир.

Олиб қўйилган барча ҳужжатлар кўздан кечирилиши шарт. Қалбакилаштириш аломатлари мавжуд бўлганда, терговчи ҳужжатни сохталаштириш ёки унга ўзгартириш киритиш фактини аниқлаш учун экспертиза тайинлайди. Терговчи ҳужжатнинг айнан қайси қисмига ўзгартириш киритилганлигини ёки сохталаштирилганлигини, уни қалбакилаштиришда қандай техник воситалардан фойдаланилганлигини аниқлаш ҳамда унинг муаллифини топиш учун ҳужжатларни криминалистик-техник усулда текшириш экспертизаси ва муаллифшунослик экспертизасини тайинлаши мумкин.

Ҳужжатларни тадқиқ этиш жараёнида унда қолган қўл-бармоқ изларини идентификациялаш учун терговчи дактилоскопик экспертизаси тайинлаши мумкин<sup>67</sup>.

---

<sup>67</sup> М.М.Қурбонов, Б.Х.Ҳамидов, О.Т.Ганиев, Б.З.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020.-54-бет.

Дастлабки тергов жараёнида жиноят содир этган шахсни аниқлаш, жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тўплашда суд-фонография экспертизаси ўзига хос ўрин тутди.

Суд-фонография экспертизаси тайинлаш ва ўтказишдан мақсад тадқиқотга тақдим этилган асбоб-ускуналарга (магнитофон, диктофон, видеокамера, уяли телефон, электрон ахборот сақловчи қурилма ва ҳ.к.) ёзиб олинган овозлар (фонограмма)ни текшириш орқали муайян суҳбатнинг мазмуни, суҳбатда иштирок этган шахслар сони, уларнинг жинси, суҳбат шароити ва бошқа ҳолатларни аниқлашдир.

Мазкур экспертиза предметини тадқиқ этилиши талаб қилинган одам овози орқали аниқланадиган, муайян ишга доир фактик маълумотлар ташкил этади.

Агар тадқиқ қилинадиган суҳбат сифати қониқарсиз бўлса ва уни ташқи шовқиндан тозалаш талаб қилинса, экспертлар олдида экспертизага тақдим этилаётган "номсиз" русумли диктофондаги суҳбат ташқи шовқинлардан тозаланиб, унинг стенограммаси тузиш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқ.

2020 йилда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам COVID-19 вируси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазият сабаб тергов ҳақаракатларини ўтказиш деярли имконсиз бўлиб қолди ва натижада жиноят ишларининг тергови ҳаракатсиз қолди. Бу эса муддатлар билан боғлиқ қонунбузилишларига сабаб бўлди.

Бу каби ҳолатларда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мақсадги мувофиқ бўлади. Шу сабабли, худудда эпидемиологик вазият юзага келганда ЖПКнинг 91<sup>2</sup>-моддасига тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асосларига киритиш таклифи берилади.

Пора олиш жинояти бўйича самарали тергов олиб боришда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ҳозирги замон талаби эканлиги намоён бўлиб бормоқда. Амалда эса ҳанузгача

эскича усулда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тўғри, замонавий аудио ва видеоёзувлардан фойдаланиш амалиётга татбиқ этилган. Бирок, булар тергов ҳаракатлари натижаларини қайд этиш учунгина ишлатилиши мумкин.

Ҳозирги даврда хорижий давлатларда турли соҳаларда полиграф ёки “ёлғон детектор” хизматларидан фойдаланиш урфга айланмоқда. Полиграф дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ва бизнес хавфсизлиги соҳасида қўлланилмоқда. Полиграфиядан кенг миқёсда тергов ва бошқа соҳаларда фойдаланиш АҚШда жуда оммалашган бўлиб, йилига миллионга яқин полиграфия синовлари ўтказилади. Таққослаш учун Ўзбекистонда 2020 йилда 84 та ҳолатда оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда ишлатилганлигига эътибор қаратиш мумкин.

Россиянинг М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети психология факултети психологи А.М.Черноризова ва С.А.Исайчевлар полиграф ёки “ёлғон детектор” бўйича илмиз изланишлар олиб борган ва бу соҳада кўпгина янгиликларни яратиб, амалиётга жорий қилишган.

Хорижий давлатлардан Украинанинг 02.07.2015 йилдаги №580-VIII сонли “Миллий полиция тўғрисида”ги қонунида полицияда хизмат қилиш учун номзодни синовдан ўтказишда полиграфиядан фойдаланишни тартибга солувчи норма мавжуд бўлиб, унга кўра полицияга мурожаат қилган Украина фуқаролари полиграфия тестининг розилиги билан ишга қабул қилиниши белгиланган<sup>68</sup>.

Замонавий полиграфия – бу шахсий компьютерларга асосланган, параллел жараёнларни: нафас олиш, қон босими, мия, юрак, скелет ва силлиқ мускуллар, титроқ, овоз ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиб, шга имкон берувчи ихчам қурилмадир.

---

<sup>68</sup> "Психологическая газета" №4, апрель 2003. "Детектор лжи" или Что такое практическая психофизиология.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тергов давомида полиграфиядан фойдаланиш бўйича оз бўлсада тажриба мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ДХХ ва ИИВ таркибида полиграфия мосламаси ва мутахассислари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВ кадрлар бош бошқармаси психологик таъминлаш бўлинмаси таркибида 2 та полиграф штат бирлиги мавжуд бўлиб, улар томонидан махсус психофизиологик мослама (халқ орасида “ёлғон детектор” номи билан танилган) ишлатилади. Бироқ, шу кунга қадар бу мослама ёрдамида қанча жиноят ишлари фош этилишида ўз самарасини бергани борасида бирор-бир ҳисобот ёки самарадорликни кўрсатувчи ишлар амалга оширилмаган. Натижада, бу соҳага бўлган эътибор ва уни такомиллаштиришга ишлари ортда қолиб кетган.

Шу сабабдан юқоридагиларни ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб, пора олишда гумонланаётган ёки айбланаётган шахсни полиграф ёки “ёлғон детектор”дан фойдаланиб, бу бўйича мутахассиснинг маълумотини олиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу амалиётни жорий этиш пора олиш бўйича жиноят ишини тергов қилишда йўналишни белгилашда, терговни режалаштиришда, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилишида, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланишида ва ҳисобга олинишида ўз самарасини беради.

### **3.2 Дастлабки тергов давомида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш масалалари.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда жиноятларни олдини олиш ва унга чек қўйиш жиноий-процессуал фаолият вазифаларига киритилган. Шунингдек, жиноий қилмишларни олдини олиш криминалистика фанининг ҳам асосий йўналишларидан биридир. Айнан шу сабабли, унга илмий адабиётларда жиноят-процессининг асосий функцияларидан бири сифатида қаралади<sup>69</sup>.

Ш.Ф.Файзиевнинг фикрича, жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлиги асосан жиноят-процессининг дастлабки босқичида юзага келувчи масалалар ўз вақтида тўғри хал қилиниши билан белгиланади. Қонун чиқарувчи жиноят процессининг дастлабки босқичида жиноятларнинг олдини олиш ва уни тўхтатиш чораларини кўришнинг мажбурийлигини қайд этади. Хусусан, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки давомли жиноий қилмишлар ҳақидаги ҳар бир ариза ва хабар бўйича дарҳол уларни тўхтатиш чораларини кўриш лозим бўлиб, улар асосан суриштирув органлари томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолларда тезкорлик нафақат мазкур жиноятнинг, балки тўхтатилган ҳуқуқбузарликка қандай сабаблар имконият яратган бўлса, айнан шу сабаблар мўлжалланаётган ёки содир этилаётган бошқа ижтимоий хавfli қилмишларнинг ҳам олиндини олиш имкониятларини беради.

Пора олиш профилактик таъсирнинг аниқ объектидир. Шунинг учун порахўрликка профилактик таъсир қилишда барча ҳаракатлар бир томондан пора олишнинг юзага келишига тўсқинлик қилишга олиб келиши керак, иккинчи томондан агар бошланган бўлса, унинг тўхтатилишига, олдини олинишига олиб келиши лозим. Пора олишнинг ва

---

<sup>69</sup> Ш.Ф.Файзиев. Суриштирув ишини ташкил этиш. Касб-хунар коллежлари учун амалий қўлланма. –Т.: Илм-зиё нашриёти уйи. 2010 й.

бошқа ҳар қандай жиноятнинг олдини олишнинг маъноси ҳам шунда. Бироқ, пора олишда асосий “иштирок этувчи шахс”, инсон, шахс бўлиб, профилактика ишлари айнан ўшалар учун ўтказилади. Бизнинг назаримизда қуйидаги назарий схема анча амалий аҳамиятга эга:

- порахўрликка тўсқинлик қилиш;
- порахўрликни тугатиш, олдини олиш;
- порахўр шахсига таъсир ўтказиш;
- сабаб ва шарт – шароитларини бартараф этиш<sup>70</sup>.

Пора олиш ва коррупциянинг бошқа кўринишларига қарши курашишда АҚШ давлатининг тажрибаси эътиборга лойиқ. У ерда 1990 йилда қабул қилинган “Давлат хизматчилари ва амалдорларининг ахлоқ қоидалари принциплари” тўғрисидаги, 1978 йилдаги “Давлат муассасалари ахлоқ қоидалари тўғрисида”ги, “Айрим гувоҳлар учун дахлсизлик мақомини назарда тутувчи уюшган жиноятчилик устидан назорат қилиш тўғрисида”ги, 1970 йилдаги “Рекет, босим ўтказиш, коррупция ва уюшган жиноятчилик билан курашиш тўғрисида”ги федерал қонунлар тизими (РИКО деб номланади) амал қилиб келинмоқда. Айтиш жоизки, АҚШда айнан РИКО қонунларини қўллаш орқали коррупция, уюшган жиноятчилик ва наркобизнес жиноятлари сони тушган. Ушбу қонунларнинг моҳияти жинойи ташкилот аъзоларига ва коррупционерларга нисбатан конфискация институтини қўллаш ва юридик шахсларни жавобгарликка тортишдан иборат<sup>71</sup>.

Коррупциявий жиноятларга қарши курашишда ижобий ютуқларга эришган давлатлардан бири бу – Сингапур давлатидир. Айтиш жоизки, Сингапур Осиё давлатлари ичида коррупция энг ривожланган давлат ҳисобланган. 1952 йилда Сингапурда коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича қўмита ташкил этилган. Бюро фақат Бош вазирга бўйсуниб, давлат ва хусусий секторда доимий назоратни олиб борган. Сингапурдаги

<sup>70</sup> Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019

<sup>71</sup> В.Н.Агеев. Противодействие «государственной коррупции»: зарубежный опыт/В.Н.Агеев// - Следователь. -2008. - №8. С. 7-10.

амалдорлар ҳар йили ўз мулки, шунингдек, оила аъзолари ва фарзандларига тегишли бўлган компаниялардан оладиган улушлари ҳақида маълумот беришлари шарт бўлган. Агар мансабдор шахснинг бошқа ташкилотлар ва шахслардан пул маблағларини ёки қимматбаҳо совға кўринишидаги буюмларни олгани ёхуд бошқа мол-мулклари мавжудлиги бюро томонидан аниқланса, озодликдан маҳрум қилиш ёки 100.000 доллар жарима солинган. Агарда амалдор ёлғон гапирган бўлса, унга нисбатан 1 йилгача қамоқ ёки 10.000 доллар жарима тўлаш тариқасидаги жиноий жазо чоралари қўлланилган.

Агарда бундай шахслар чет эл фуқаролари бўлса, уларга жарима солиниб, Сингапур давлати ҳудудида хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи олиб қўйилган<sup>72</sup>.

Пора олиш ва коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда Жанубий Корея дастурлари ижобий натижалар бераётганини таъкидлаш мумкин. Жанубий Кореяда 1999 йилдан бери миллий антикоррупция дастурлари ичида ҳақиқий янгилик ҳисобланган “OPEN” онлайн тизими амалда бўлиб келмоқда. Ушбу тизимнинг вазифаси мансабдор шахслар устидан фуқаролар берган аризаларни кўриб чиқишдан иборат. Шунингдек, 2002 йил 1 январдан кучга кирган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ҳам халқаро ҳуқуқ субъектлари орасида катта эътирофга сазовор бўлган. Унга кўра коррупция факти бўйича ҳар қандай ариза бўйича жиноят иши кўзғатилади. Жиноят иши кўзғатиш мамлакатнинг бош антикоррупцион органи ҳисобланган аудит ва инспекция бўйича комитети томонидан амалга оширилади.

Тадқиқ этилаётган масала юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, кўпчилик хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш учун махсус дастурлар қабул қилинмоқда. Улар ўз ичига бу турдаги жиноятларга қарши курашишдаги

---

<sup>72</sup> И.А.Терешенко. Коррупция как фактор угрозы национальной безопасности Российской Федерации: политологический анализ. :М.2010

кейинги ҳуқуқий асосларни ривожлантириши масалаларини, бу билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли бўлинмалари фаолиятини янада кучайтиришни, иш фаолияти самарадорлигини оширишни, коррупциялашган жиноий гуруҳлар ёки ташкилотларга аъзо шахсларни, шунингдек бунда гумон қилинаётганларни телефон ва бошқа сўзлашувларини эшитиб туришни, гувоҳларнинг ҳавфсизлиги таъминлаш ва бошқа масалаларни қамраб олади<sup>73</sup>. Бундай тажрибаларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нидерландия давлатида пора олиш билан боғлиқ жиноят ишининг барча материаллари, агарда у ҳавфсизлик масалаларига алоқадор бўлмаса белгиланган тартибда ошкор қилишини қайд этилган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларининг пора олишга жиноятини фош этишга қарши фаолияти қонун билан мустахкамланган бўлиб, аксарият ҳолларда улар берган маълумотларга кўра жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланиши белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 296-моддасига мувофиқ жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шартлиги белгиланган.

Пора олиш (ЎзР ЖКнинг 210-моддаси) жинояти юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчи ушбу жиноятнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашга ва уларни тақдимнома чиқариш йўли билан тегишли ташкилотларнинг тегишли раҳбарларидан бартараф қилишни талаб қилиши зарур. Бу ўринда сансоларлик, бюрократлик, ошна-оғайнигарчилик, мансабдор шахслар томонидан ўз ҳуқуқларини ёхуд тақдимнома ижросини бошқа шахсларга назоратсиз бериб қўйиш ҳолларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

---

<sup>73</sup> П.Н.Кобец. О некоторых направлениях использования в отечественном законодательстве зарубежного и международного опыта предупреждения и пресечения коррупции в государственном аппарате / П.Н.Кобец. // Следователь. -2009. -№2.



Шунга кўра, аниқланган пора олиш жиноятининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси жиноят ишига қўшиб қўйилади (ЎзР ЖПК 297-модда).

Терговчининг ушбу тоифадаги хужжатини киритишдан кўзланган асосий мақсад:

- содир этилган жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, шунга ўхшаш бошқа жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, қонунбузилишларининг бартараф этилишига эришиш;

- жиноятнинг мазмун-моҳиятини ва ҳар бир содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш услублари бўйича аниқ тавсиялар бериш;

- профилактик таъсир ўтказиш ва жамоатчиликда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Терговчининг тақдимномасида жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитлар, унга йўл қўйган шахслар ва уларнинг жавобгарлик масаласи, агар жиноят содир этилиши жараёнида муайян норматив-ҳуқуқий хужжат талаблари бузилган бўлса, ушбу норматив-ҳуқуқий хужжатнинг тўлиқ номи ва талаблари аниқ акс эттирилиши лозим бўлиб, бу талаблар ушбу хужжатнинг ҳуқуқий ва мантиқий асосини ташкил этади.

Тақдимнома сифатли расмийлаштирилиши ҳамда унинг матнида Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда бузилган норматив-ҳуқуқий хужжатнинг тури, номланиши, қабул қилинган куни ва

тартиб рақами тўғри акс этирилган бўлиши лозим.

Мазкур ҳужжат матнида юридик терминлар ва бошқа жумлалар оддий, раван ва ҳамма учун тушунарли сўзлар билан изоҳланиши керак.

Унда тилга олиниши лозим бўлган объектларнинг қисқартирилган номи бўлган тақдирда (масалан, ДСҚ – Давлат солиқ қўмитаси ва ҳоказо) ҳужжатнинг бошида мазкур объектнинг тўлиқ номи кўрсатилиши зарур, кейинги ўринларда унинг қисқартирилган номи ёзилиши мумкин.

Шунингдек, тақдимнома юборилаётган объектнинг манзили аниқ кўрсатилиши ҳамда унда қайд этилган жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, шунга йўл қўйган шахслар ва уларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахсга юборилиши шарт.

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида терговчини хабардор қилиши шарт.

Ўзининг мавқе ва процессуал ҳужжатлар орасида тутган ўрнига кўра терговчининг пора олиш жинояти юзасидан киритадиган тақдимномаси ҳар бир терговчининг ҳуқуқий онги, билим савияси, касбий қобилияти, шаъни ва кадр-қимматини ифодаловчи ҳужжатлардан бирига айланмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 297-моддаси 2-қисмида тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасида суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик учун, 196-моддасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик учун, 197-моддасида прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик учун, 198-моддасида ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Бироқ, терговчи ва суриштирувчи жинойт ишини тергов қилиш чоғида жинойтнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимномасини мансабдор шахслар томонидан ижро қилмаганлик ёки лозим даражада ижро қилмаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Шу сабабли, юқоридаги ҳолат бўйича маъмурий жавобгарликни белгилаш келгусида мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириб, пора олиш жинойтларининг камайишига замин яратади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганда, 226 та қонун ҳужжатининг 65 тасида (29 фоизи) 292 та коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланган. Булар, асосан:

- «норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги» (81 та);
- «дискрецион ваколатларнинг кенглиги» (53 та);
- «маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги» (25 та) билан боғлиқ коррупциявий омиллардир<sup>74</sup>.

Албатта, мазкул ҳолатлар дастлабки терговни амалга ошириш жарёнида зиддиятлар, тушинмовчиликлар ва бошқа муаммоларни

---

<sup>74</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/corruption/>

келтириб чиқарадики, бу пора олган шахснинг жавобгарлик ва жазодан қутулиб қолиши учун имконият яратади.

Шу сабабли, ЖКнинг 210-моддаси бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчи юқоридаги каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва қарама қаршиликлар тўғрисида тегишли таркибий тармоқ орқали асослантирилган таклифларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юбориш амалиётини жорий қилиш лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида пора олиш жинояти бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишни ташкил этиш ва юзага келадиган камчиликларни ёритиш ҳақида фикр юритилди. Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган нормаларни имплементация қилиш

масалалари ёритилди. Қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, пора олиш бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилишига оид ҳуқуқ назарияси ва мазкур жараёни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифларни амалга ошириш юзасидан хулоса қилинади:

### **I. Илмий-назарий таклифлар:**

1. “Тергов ҳаракати” таърифини қўйидагича баён этиш: “Тергов ҳаракати – бу жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг рўй берган-бермаганлигини, шахснинг ушбу қилмишга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини ҳамда иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳамда натижаси жиноят иши бўйича далил бўлиб хизмат қиладиган фаолият ҳисобланади”.

2. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари – бу зудлик билан амалга оширилмаслиги келгусида далилларнинг йўқолиб кетиши ёки номақбул деб топилишига, шунингдек, иш бўйича ҳақиқатни ўз вақтида ва тезкор аниқлаш учун тўсқинлик қилишига сабаб бўладиган ҳаракатлар ҳисобланади” деб таъриф бериш.

3. “Пора олиш - давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг

ёхуд ҳокимият вакили, чет эл мансабдор шахси ёки оммавий халқаро ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган ёки учинчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор бўлиши” деб таъриф бериш.

## **II. Пора олиш жинояти бўйича тергов фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги таклифлар:**

1. Хорижий давлатлар қонунчилигида пора олиш жинояти нафақат ҳаракат билан, балки ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши ҳам мумкинлиги қайд этилган. Ушбу ҳолатни ҳам жиноят қонуни таъсир доираси билан қамраб олиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади.

2. Давлат хизматчисига берилган совға порами ёки пора эмасми, агар пора бўлса, қандай турдаги совғаларни пора деб ҳисоблаш шартлари қонунчиликда белгиланмаган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда совға бериш, унинг ҳуқуқий жиҳатлари тартибга солинмаган. Шу сабабли *“Давлат хизмати тўғрисида”ги* давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, унинг механизмини ва давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонунни қабул қилиш таклифи билдирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга суриштирувчи ва терговчининг жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган

шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқмаслик ёхуд тақдимномада кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек тақдимномага ўз вақтида жавоб бермаслик учун жавобгарликни белгилаш ҳақида **198<sup>5</sup>-моддаси** билан тўлдириш ҳақида таклиф билдирилади.

### **III. Жиноят-процессуал қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. ЖПКнинг 331-моддасини 6-қисм билан тўлдириб, унга кўра: *“дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатишига фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилади”* деб қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. ЖПКнинг 91-моддаси 4-қисмини 8-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

8) *“гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувларини полиграф мутахассис ёрдамида олишда”*.

3. ЖПКнинг 297-моддаси мазмунини қуйидаги тўлдириш киритиш орқали ўзгартириш киритиш таклифи берилди:

*“Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига,*

*жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома ҳамда қонунчиликка ўзгартириш киритиш ҳақида таклифларни киритади. Тақдимнома ва таклифларнинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади”.*

**4.** ЖПКнинг 73-моддасини қуйидаги мазмунда ўзгартириш таклифи берилади:

*“Холислар терговга қадар текширув органи раҳбари, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.*

*Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин терговга қадар текширув органи раҳбари, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.*

**5.** ЖПКнинг 91<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми 1-бандини қуйидагича ўзгартириш киритиш таклиф этилади:

*“Тергов ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:*

*1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга ҳудуддаги эпидемиологик вазиятда ёки соғлигининг ҳолатига ёхуд бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда”*



#### **IV. Жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

**1.** ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми диспозициясини қуйидаги мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқ:

*“Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ёхуд ҳокимият вакили, чет эл мансабдор шахси ёки оммавий халқаро ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган ёки учинчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор бўлиши”* деб тўлдириш таклиф қилинади.

**2.** ЖКнинг 8-бўлимида қайд этилган “Давлат иштирокидаги ташкилот” атамасининг 2-бандда берилган “тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти” деган тушунчага **“...тижорат ва нотижорат ташкилоти”** деб тўлдириш таклифи берилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Илмий-назарий адабиётлар:

1. Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно- 2 практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».-Ташкент: Chashma Print

2. Дурманов Н. Уголовная ответственность за взяточничество по действующему советскому законодательству.//Проблемы соц. права. Сборник II М., 1937. - С. 23. Кучерявый Н.П. Ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. М., 1957. - С. 41 - 42. Папашвили Ш.Г. Должностные преступления в теории уголовного права, законодательстве и судебной практике. - Тбилиси, 1988 г. - С.

3. Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взятничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г.

4. Жижиленко А.А. Должностные (служебные) преступления (Глава III Уголовного кодекса). - М., 1927 - С. 82, Трайнин А.Н. Уголовное право. Особенная часть.

5. Т.Н. Воулина, И.Я. Козаченко. Уголовное право: особенная часть. М., 1998 й,

6. Г.Г.Зуйков. Установление способа совершения преступления при помощи криминалистических экспертиз и исследований/Г.Г. Зуйков.-М., 1970.-с. 15-16.

7. Криминалистика: учебник / под ред. И.Ф.Паптелеева, Н.А.Селиванова. - М.: Юрид. лит., 1988 - с. 460-463; Криминалистика: учебник / отв. ред. Н.П. Яблоков. - 3-е изд.,

8. Степанов, В.В. Предварительная проверка первичных материалов о преступлениях/ В.В. Степанов. - Саратов, 1972. - с.

9. Прововые основы проведения оперативно-розыскных мероприятий в целях выявления и документирования получения взяток. Учебно-методическое пособие. Санкт-Петербургская академия Следственного комитета. Санкт-Петербург-2018.

10. П.Н.Кобец. О некоторых направлениях использования в отечественном законодательстве зарубежного и международного опыта предупреждения и пресечения коррупции в государственном аппарате / П.Н.Кобец. // Следователь. -2009. -№2.

11. “Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-кидирув тадбирлари” Қўлланма (Практикум). В.Каримов. Тошкент.2019 йил.

12. М.Қурбонов, Б.Хамидов, О.Ганиев, Б.Каримов. Коррупцион жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ, 2020. - 110 б.

13. Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Амалий қўлланма. ю.ф.н. С.О.Ўразбаев, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов, Б.З.Каримов – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2019.

14. “Криминалистика”. Дарслик. Ғ.А.Абдумажидов умумий таҳрири остида. 2003 йил.

15. З.М.Исломов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Т.: Адолат, 2007 йил;

16. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. - 584 бет.

17. С.Саҳаддинов. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т. Тошкент, 2014. “Янги аср авлоди”.

## **II. Қонун ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон;

4. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни;

5. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;

6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ – 419-сон;

7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ – 344-сон;

8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎРҚ—350-сонли Қонуни, 8-модда;

9. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6013-сонли Фармони;

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорига 1-иловаси “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий Низом, Умумий қоидалар.

### **Ш. Давлат раҳбарининг маърузалари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирдаги маърузаси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Президент лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи;

3. Давлатимиз раҳбари 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

### **IV. Амалий материаллар:**

1. Қўшма кўрсатмалар;
2. Қўшма қаррлар;
3. Судларнинг ҳукмлари;
4. Бош прокурор буйруқлари.

### **V. Интернет сайтлари:**

1. <https://www.lex.uz>;
2. <https://www.gazeta.uz>;
3. <https://www.consultant.ru>;
4. <https://ru.m.wikipedia.org>;
5. <https://www.kun.uz>;
6. <https://www.dissercat.com>